

ИСМЛАР МАЪНОСИ

(САРАЛАНГАН)

«MERIYUS»
Тошкент — 2013



УДК: 811.512.133 373.231

ББК: 81.2 Ўзб -3-Тилшунослик
С-32

Сараланган исмлар маъноси / тузувчи З. Ҳамдамова.
- Тошкент: MERIYUS, 2013 йил, 80 б.

ISBN 978-9943-395-75-6

УДК: 811.512.133 373.231

ББК: 81.2 Ўзб

Ушбу китобда бир қанча исмларнинг шакллари ва уларнинг мазмунлари кўрсатилди. Шунингдек, қатор арабча-русча, форсча-ўзбекча лугатлардан фойдаланилди. Мазкур китобни эътиборингизга ҳавола этаётирмиз. Агар сизга исм танлашда ёрдам бера олсак, мақсадга етган бўлар эдик.

Ю 41344
2

ISBN 978-9943-395-75-6

© И. Нуриллоҳ, 2013 йил

© "MERIYUS" XMNK, 2013 йил

2013/85 6535	Alisher Navoiy nomlari O'zbekiston MK
-----------------	---

А

Аббос — *арабча*; Пайғамбаримиз Муҳаммад сол-
лаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг номи
шундай эди. Луғавий маъноси — қовоғи солиқ,
жиддий, оғир-вазмин, истилоҳий маъноси эса до-
вюррак, жасурдир.

Абдулазиз — *арабча*; бу ўринда «абду» ва «абу»
сўзларини фарқлай олиш керак, «абду» — қул, «абу»
— ота маъносида қўлланилади. «Абду» билан бош-
ланадиган исмларга Аллоҳнинг зоти ва сифатлари
қўшилган: азал — қадимий; азим — қудратли; али,
алий — юксак мартабали; алим — донолик ва би-
лим соҳиби; аҳад — якка, бир; басир — ҳамма нар-
сани кўрувчи, кўзи очиқ; боис — сабаб, сабабчи;
боқи, боқий — доимий, мангу; борий — яратувчи,
бор этувчи; босит — ёювчи, кенгайтирувчи; ваҳ-
ҳоб — ўз неъматларини текин берувчи; вожид —
яратувчи; ворис — мерос олувчи; восеъ — раҳма-
ти ва мулки кенг; восид — марказда турувчи; во-
сил — эришувчи, етишувчи; воҳид — яккаю ягона;
жаббор — жабр қилувчи (гуноҳкорларни жазо-
ловчи), жавод — мурувватли, марҳаматли; жалил
ва жалол — улуғ, буюк; жами — жамловчи; жамил
ва жамол — гўзаллик соҳиби; зоҳир — мавжудлиги
аниқ; кабир — улуғ, буюк; камол ва комил — етук-
лик, камолот соҳиби; карим — карам қилувчи; ла-
тиф — марҳаматли, илтифотли; мавлон — яратув-
чи; мажид — шарафли; малик — подшоҳ; маннон

— сахий, саховатли; матин — матонатли; мўмин — омонлик берувчи; наср, носир — ғолиб; раззоқ — ризқ берувчи, ризқ улашувчи; раҳмон — ўта меҳрибон; раҳим — меҳрибон; рауф — меҳрибон, мурувватли; самад — ҳожатбарор; саттор — кечирувчи ва ҳимоя қилувчи; толиб — интилувчи; тоҳир — пок, нуқсондан холи; туроб — тупроқ, файзбарака, мўллик берувчи; фаттоҳ — бандларни очувчи, ризқ эшикларини очувчи; фориҳ — нурли, нурафшон; ханнон — раҳмдил ва шафқатли; холиқ — яратувчи; шоҳид — кўриб турувчи; қайном — абадий мавжуд; қахҳор — қаҳрли, ғазабли; қодир — куч-қудрат эгаси; қосим — тақсимловчи; қуддус — муқаддас; ғани, ғаний — бой, бадавлат; ғафур ва ғаффор — авф этувчи, гуноҳларни яширувчи; ғиёс — кўмак берувчи, илтижо ва муножотларни эшитувчи; ғози, ғозий — ғолиб; ҳай — абадий тирик, барҳаёт; ҳаким — ҳикмат соҳиби; ҳалим — меҳрибон ва одоб эгаси; ҳамид — мақталган, мақтовга лойиқ; ҳафиз — паноҳ; ҳақ — ҳақиқат, мавжуд; ҳошим — ризқ-рўз берувчи ва ҳоказо. Бу ўринда яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, Абдулла исми Аллоҳнинг қули дегани, талаффузда «а» ҳарфи «у»га айланади. Абдулазал, Абдулҳай сингари исмларда «л» изофа ўрнида келган.

Аброр — арабча; яхши хулқли деган маънога эга.

Адҳам — арабча; баданида қора доғи бор болага исм сифатида қўйилган.

Азамат — арабча; улуғвор, довюрак демақдир.

Айюб — пайғамбарлардан Айюб алайҳиссаломнинг исми бўлган. Аммо бу исмнинг маъноси ўкинувчи, пушаймон бўлувчи деганидир. Шу билан бирга, ибодатгўй, тавба қилувчи деб ҳам изоҳлаш мумкин.

Акбар — *арабча*; улуғ, улкан, ҳурматли, мўътабар каби маъноларга эга.

Акмал — *арабча*; мукаммал, бенуқсон демақдир.

Акрам — *арабча* бўлиб, ўктам, жўмард маъноларини беради.

Алимардон — *арабча-форсча*; юксак мартабали киши деган маънони беради.

Алишер — *арабча-форсча*; юксак мартабали шер; истилоҳий маъноси — шердек довиюрак, мартабали демақдир.

Амир — *арабча*; ҳукмрон, йўлбошчи мазмунида келиб, кўпинча фарзандга исм қўйганда Амиридин, Амирулло, яъни дин ҳукми, Аллоҳ ҳукми маъноларида ҳам атайдилар.

Анвар — *арабча*; ёруғ, нурли маъноларида келади.

Асад — *арабча*; шамсия йил ҳисоби бўйича бешинчи ойнинг номи, июл-август ойларига тўғри келади. Аксарият шу ойда туғилган болага Асад исмини беришади. Исмнинг маъноси шердир.

Асрор — *арабча*; бу сўз кўплик шаклида бўлиб, айнан таржимаси «сирлар» бўлади. Истилоҳий маънода яширин, маъфий, кўп нарсадан хабардор деб шарҳланади.

Асқад — *арабча*; бахтиёр, саодатманд демақдир.

Асқар — *арабча*; кенжа болага шундай исм берилган.

Афзал — *арабча*; устун, яхши, юқори деган маъноларни беради.

Аъзам — *арабча*; энг улуғ, энг буюк маъноларида келади.

Аҳмад — *арабча*; мақтовга лойиқ демақдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатларидан бири саналади.

Аҳрор — *арабча*; олижаноб, мурувватли, ҳимматли деган маъноларни англатади.

Адиба — *арабча*; адиб (ёзувчи) тушунчасидан, шунингдек, назокатли, нафосат илмини тушунадиган, тарбияли қиз демақдир.

Адолат — *арабча*; адл, одил маъноларини билдиради, адолат билан яшасин, деган ниятда қизалоққа қўйилади.

Азиза — *арабча*; бебаҳо, қимматли; юксак мартабали, ҳурматга лойиқ; ноёб, нодир; художўй, муқаддас маъноларида келади.

Азима — *арабча*; катта, буюк маъноларини англатади. Кўп ҳолларда оғир вазнда туғилган қизларга шундай исм берилган ёки қудратли бўлсин, деган ниятда қўйилган.

Аломат — *арабча*; баданида бирон белги ёки нишон билан туғилган қизга шундай исм берилган.

Анбар — *арабча*; хушбўй, ёқимтой, мушк ҳидли маъноларида келади.

Анора — *форсча*; қизил хол, нор билан туғилган қизга шундай исм қўйилган.

Арофат — *арабча*; аслида Арафот, талаффузда Арофат. Макка шаҳридан 20 километр нарида жойлашган, узунлиги 11-12 километр, кенглиги 6,5 километр бўлган водий. Шимол томондан тоғ тепалиги билан ўралган. Бу тепалик ҳам Арафот дейилади. Қурбон оий (Зулҳижжа оий)нинг 9-куни, яъни арафа куни ҳожилар шу тепаликка чиқиб, то қуёш ботгунига қадар ибодат билан машғул бўладилар. Ислом манбаларидаги ривоятга кўра, Иброҳим алайҳиссаломга Жаброил фаришта шу тепаликни кўрсатиб: «Шу жой Арафотдир, ҳаж арконлари шу ерда камолига етади, шу ерда гуноҳларингизни эътироф этасиз», деган. Бошқа бир ривоятда Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан чиқариб юборилганидан кейин бири Ҳиндистон ўлкаларидан бирига, иккинчиси Ҳабашистон ўлкаларидан бирига келиб тушгани айтилади. Узоқ йиллар ўтиб, бир-бирлари билан шу ерда учрашишган экан. Арафот тепалигида бир баланд жой борки, уни жабалир-рахма,

яъни раҳмат тоғи дейишади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан 81 кун олдин, ҳижратнинг 10-йили Мадинадан ҳажга келиб, арафа кунини шу тепаликка чиқиб, машҳур видолашув ваъзинини айтганлар. Демак, исмининг маъноси муқаддас деганидир.

Асал — арабча; бу ширинлик Қуръони каримда ҳам бир неча ўринда зикр қилинган, унинг шифобахшлиги илмий китобларда исбот этилган. Бу сўзнинг либосга тааллуқли маъноси ҳам бор (асали).

Асила — арабча; насли тоза маъносида келади. Аксарият оқсуяк, зодагон оилаларда гўдакка шундай исм берилади.

Афрўз — форсча; ёруғ, равшан, нурли, мунаввар, шуълали, куйдирувчи маъноларига эга.

Ақида — арабча; унинг қатъий ишонч, ихлос, эътиқод маънолари бор.

Б

Бахтиёр — арабча-форсча; бахт, қут, истиқбол ёр бўлган деган маъноларни англатади.

Баҳриддин — арабча; диндан баҳра олувчи деган маънони беради.

Баҳром — форсча; Миррих юлдузининг номи. Қадимги Эрон подшоҳларидан бирининг исми ҳам шундай бўлган. Луғавий маъноси — шамшир.

Бегмат — *ўзбекча-арабча*; Бек ва Муҳаммаддан иборат.

Беҳбуд — *форсча*; тинч, осойишта, фароғат демақдир.

Беҳзод — бу ҳам форсча бўлиб, аслзода маъносида келади. Аксарият зиёли оилаларда Навоий даврида ўтган машҳур мусаввир Беҳзодга таассуб қилиб шундай исм қўйганлар.

Билал — *арабча*; уч кунлик ой деганидир.

Бобур — *ўзбекча*; баъзи манбаларда йўлбарс деб талқин қилинади. Маъносидан қатъи назар, ўзбек оилаларида туғилган чақалоққа Бобуршоҳга таассубан шу исмни берадилар.

Бозор — *форсча*; бозор куни туғилган болаларга шундай исм қўйишган. Ёки фарзандталаб оилаларда ҳам шу исмни қўйиш расм бўлган.

Боқи — *арабча*; болага умри узоқ бўлсин, деган маънода шундай исм берадилар.

Бунёд — *форсча*; асос демақдир.

Бурҳон — *арабча*; ҳужжат, далил деган маъноларни англатади.

Барно — *форсча*; айнан ёш, навжувон; чиройли, хушбичим, хушқад маъноларида келади.

Барчин — қадимий туркийча бўлиб, шойи, ипак мато, яъни ипакдек қиз демақдир. «Алпомиш» достонининг бош қаҳрамони Барчин ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Бахтигул — *арабча-форсча*; саодат, толе, истиқбол маъноларида қиз болаларга қўйилади.

Баҳор — *форсча*; қиз фарзандларга бундай исм бериш кенг тарқалган. Баҳор фаслида туғилган қизларга шундай исм берилади.

Бодом — *форсча*; бодом дарахти гуллаганда туғилган қизга шундай ном қўйишади.

Бону — *форсча*; хоним, хотун, бегим, биби, маҳбуба маъноларида келади. Бундай исм ёки қўшимча ас-лодалар наслига тааллуқли бўлиб, ҳукмдор хонадонларига мансуб қизларга берилган. Бонунинг яна бир маъноси соҳибадир.

В

Вали — *арабча*; авлиё, дўст, тақводор маъноларини беради.

Васлиддин — *арабча*; диний муродга интилувчи деган маънони англатади.

Ваҳҳоб — *арабча*; сахий, жўмард маъноларида келади.

Восит — *арабча*; ўртадаги; сабабчи, воситачи маъноларини беради.

Воҳид — *арабча*; ягона демакдир. Бу ном Аллоҳнинг гузал исм-сифатларидан бири бўлгани боис ёлғиз ўзи истеъмол қилинмайди. Балки Абдувоҳид деб исм берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Вазира — *арабча*; вазир — олиймақом мартаба; подшоҳнинг ноиби деган маъноларни англатади. Бу ўринда онасига ёрдамчи ёки келажақда юксак мартабага эришсин, деган маънода берилган бўлса керак. Яна шундайки, эр — подшоҳ, хотин — вазир, деган мақолга нисбатан қўлланилган бўлиши ҳам мумкин.

Валида — *арабча*; авлод давомчиси демакдир. Фарзанди битта бўлган оилаларда қиз туғилганда шундай исм берилган бўлиши мумкин.

Васила — *арабча*; «васл» сўзидан олинган, етишиш, орзуга эришиш маъноларини беради. Узоқ кутилган фарзандга шундай исм қўйилади.

Вилоят — *арабча*; «вилоят» сўзининг «валоят» шакли ҳам бор. Агар «валоят» бўлса, муқаддас, азиз, табаррук деган маъноларни англатади. Агар «вилоят» бўлса, ўлка деганидир.

Г

Гўрўғли — *ўзбекча*; баъзи манбаларда «гўр» сўзи форсча деб берилган. Аммо бу сўз аслида туркийча бўлиб, ботир деганидир. Ўзбек халқ достонларида Гўрўғли гўрдан чиққан, деб ривоят қилинади. Достонлар мазмунидан эса унинг ботирлиги ва дову-

раклиги англашилади. Аммо бу исм камдан-кам оилаларда қўлланилади.

Гавҳар — *форсча*; унинг бир неча маънолари бор: марварид, қимматбаҳо маъдан; авлод, насаб; фарзанд; тиш.

Гўзал — *ўзбекча*; бениҳоя чиройли демакдир.

Д

Давлат — *арабча*; бой, саодатли маъносида келтирилади.

Даврон — *арабча*; умри шод ўтсин, деган маънода қўйилади.

Деҳқон — *форсча*; қишлоқ раҳбари демакдир. Бу исм ўзбеклар орасида кенг тарқалган.

Диёр — *арабча*; она юрт фарзанди бўлсин, деган ниятда берилади.

Дилмурод — *форсча-арабча*; муроди ҳосил бўлган ота-оналар фарзандини шундай исм билан атаганлар.

Дилшод — *форсча*; дилга шодлик бахш этган бола деган маънони англатади.

Достон — *форсча*; мажозий маънода овоза, шухрат, доврўф деганидир. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Рустамнинг лақаби шундай бўлган.

Дурбек — арабча-ўзбекча; инжу, марварид маъноларига эга.

Дилафрӯз — форсча; дилни қувонтирувчи, дилни шодлантирувчи, дилни яйратувчи, кўнгилларга ором бахш этувчи демақдир.

Дилбар — форсча; дилга яқин, суюкли дегани.

Динора — арабча-юнонча; араблар ҳам, юнонлар ҳам динор деганда тиллани тушунадилар. Ўзбек оилаларида бундай исм қўйилганида қимматли, бебаҳо деган маъно англашилади. Масалан, Тиллахон, Олтиной каби.

Доно — форсча; билимли, ақли, зукко деган маъноларда келади.

Ё

Ёдгор — форсча; туғилишидан олдин ёки туғилганидан кейин отаси ё онаси қазо қилган болаларга шундай исм берилган.

Ёқуб — қадимий яҳудийча; изидан боровчи, этагидан ушловчи маъноларини беради. Яҳудийлар пайғамбари Яъқуб алайҳиссаломга таассуб қилиб қўйилган исм.

Ёрқиной — ўзбекча; иқболи нурли ва нурафшон бўлсин деган ниятда берилади.

Ёқут — қадимий яҳудийча; қизил рангли қим-

матбаҳо тош номи, уни рубин деб ҳам атайдилар. Туркий халқларнинг аёллари ёқут кўзли узукни ирим сифатида ҳам таққанлар, уларнинг тушунчаси бўйича айтадиган бўлсак, ёқут турли касалликлардан асрар экан.

Ж

Жавлон — *арабча*; чиройли ва шахдам қадамлар ташловчи деб изоҳланади.

Жавоҳир — *арабча*; бебаҳо, қимматли демакдир.

Жалолиддин — *арабча*; диннинг улуғлиги, азаматлиги маъноларини беради. Истилоҳда эса дин масалаларида азамат, кучли бўлсин, деган ният билан шундай исм қўйилади.

Жамолиддин — *арабча*; диннинг жамоли; истилоҳий маъноси диннинг баркамоллиги, равнақи демакдир.

Жасур — *арабча*; мард, жасоратли дегани.

Жаъфар — *арабча*; айнан гўдак, фарзанд, фаришта деган маъноларни беради.

Жаҳонгир — *арабча*; олами фатҳ этувчи, ғолиб, музаффар маъноларини англатади.

Жобир — *арабча*; айнан синиқчи, яъни синган-чиққанларни даволовчи табиб демакдир.

Жонибек — *форсча-ўзбекча*; бу исмни ёқимтой бек бола деб изоҳлаш мумкин.

Жумабой — *арабча-ўзбекча*; жума куни туғилган болага шундай исм бериш одати бор.

Журъат — *арабча*; жасоратли, шижоатли маъноларида келади.

Жўра — *форсча* бўлиб, дўст, ҳамроҳ демақдир.

Жамила — *арабча*; гўзал, зебо маъноларини беради.

Жумагул — *арабча-форсча*; жума куни туғилган қизчаларга шундай исм берилган.

Жўрахон — *форсча*; ўзбек тилидаги йўлдош, ҳамроҳ маъноларида келади.

3

Зайд — *арабча*, тухфа, инъом ёки кўпайиш, қўшилиш маъноларини билдиради.

Зайнобиддин — *арабча*; «зайни» кўркем, гўзал, зийнат маъноларига эга.

Закариё — *қадимий яҳудийча*; аслида Захария — Аллоҳни ёдда тутувчи. Захария деган шакли ҳам бор. Исо пайғамбар онаси Биби Марямнинг тарбиячиси, Яҳё пайғамбарнинг отаси.

Зариф — *арабча*; пок, тоза; нозикфаҳм, зийрак, ақлли, доно деган маъноларни англатади.

Зафар — *арабча*; ғолиб демакдир.

Заҳириддин — *арабча*; «заҳир» сўзининг қуйидаги маънолари бор: беморлик учун топилган янги дори, ранж, азоб, машаққат, паноҳ, посбон, иқбол. Исмнинг истилоҳий маъноси — дин паноҳи. Бу исмнинг Заҳирулло (Аллоҳнинг паноҳида) деган шакли ҳам учрайди. Бобур Мирзонинг исми Заҳириддин Муҳаммад бўлган.

Зиёд — *арабча*, аввало умри зиёда, узоқ бўлсин, деган ниятда қўйилади. Гўдакнинг баданида ортиқча нарсаси бўлса ҳам шундай деб аталган.

Зикир — *арабча*; ёдлаш, хотирлаш демакдир. Сўфийлар ва дарвешларнинг «Ё Ҳу, ё Ҳу», деб зикр тушишларига ишора.

Зоир — *арабча*, зиёратчи деган маънога эга. Бу исмнинг ўзгарган шакли Зоҳир бўлиши ҳам мумкин.

Зокир — *арабча*; Зикир исмининг ўзгарган шакли.

Зоҳид — *арабча*, тарки дунё қилган тақводор маъносини билдиради.

Зоҳир — *арабча*; кўринган, кўримли, очиқ, равшан маънолари бор. Бу Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг сифати бўлган. Исмнинг қуйидаги шакллари ҳам бор: Зоҳириддин, Зоҳирий, Зоҳирулло.

Зубайдулло — арабча; Аллоҳнинг мумтоз бандаси ёки тухфаси демакдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган сифат.

Зубайр — арабча; кучли, қудратли дегани бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобийларидан бирининг номи ҳам шундай эди.

Зуннун — арабча; айнан балиқ эгаси деган маънони беради. Ривоятларга кўра, Юнус пайғамбар уч кун давомида китнинг қорнида ётган, шунинг учун Қуръони каримда у киши шу лақаб билан аталади. Кейинчалик бу ном одамлар ўртасида кенг тарқалган.

Зуфар — арабча; Зафар исмининг шаклан ўзгаргани.

Зухриддин — арабча; Зоҳир исмининг ўзгарган шакли; диннинг кўриниши, ошкоралиги демакдир.

Забаржад — арабча, асл, жуда қимматбаҳо маъдан тоши маъносини билдиради.

Завқия — арабча; исмнинг қуйидаги маънолари бор:

- 1) хурсандчилик, шодлик;
- 2) лаззат, маза, кайф.

Қиз фарзанд кутилган уйда биринчи маъно кўзда тутилган бўлса керак.

Зайнаб — арабча; агар чақалоқ дуркун туғилса, шундай исм қўйишган. Пайғамбаримиз Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи қизлари шу ном билан аталган.

Замира — *арсбча*; «замир» сўзининг қуйидаги маънолари бор:

- 1) юрак, кўнгил, дил;
- 2) яширинган фикр, мазмун, ўй;
- 3) эгалик (кўрсатиш) олмоши.

Исм биринчи ёки иккинчи маънога нисбатан берилган бўлиши мумкин. Агар биринчи маънога нисбат берилган бўлса, унда дилга яқин, кўнгил орзуси деб изоҳласа бўлади. Исм иккинчи маънога нисбат берилган бўлса, ақл билан иш кўрувчи деб изоҳлаш керак.

Зарифа — *арабча*; ақлли, фаросатли, покиза, маъсума деган маъноларда келади.

Заҳро — *арабча*; ёрқин, равшан, нурли, оқ юзли ёки интилувчи, ҳавас қилувчи маъноларини билдиради. Бу «Ўзбек исмлари» китобида берилган изоҳ. Аслида Заҳро — гулдек дегани. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кенжа қизлари Фотима бениҳоя гўзал бўлгани учун унга шундай нисбат берилган. Бу исм шу маънода **Зухра** деб ҳам талаффуз қилинади. Шунга бўлса керак, ўзбек ва тожик оилаларида эгизак қиз туғилса, Фотима ва Зухра деб аталади.

Зеби — *форсча*; чиройли, гўзал демақдир.

Зиёда — *арабча*; агар гўдакнинг ортиғи бўлса, ўғил болаларга Ортиқ, Зиёд, қиз болаларга Зиёда

деган исм қўйилган. Бундан ташқари, ҳаммадан зиёда бўлсин, деган ният ҳам бўлиши мумкин.

Зийнат — *арабча*; безак, уйнинг, хонадоннинг, оиланинг беаги деган маънони англатади.

Зилол — *арабча*; тиниқ ва муздек сув дегани. Сувдек покиза деган ниятда берилган исм бўлиши керак. Исмнинг Зилола шакли ҳам бор.

Зиннур — *арабча*; нурли, равшан, чиройли, дилбар маъноларини беради. Исмнинг Зиннура шакли ҳам учрайди.

Зоҳида — *арабча*; диндор, тақводор, художўй, мўмина демақдир.

Зубайда — *арабча*; «зубда» сўзидан олинган бўлиб, бирон нарсанинг яхши томони; сараси; яхши натижаси, хулосаси маъноларига эга. Демак, қизларнинг яхшиси деб изоҳлаш мумкин.

Зулайҳо — *арабча*; тахминан кичик, кенжа қиз деганидир (исмнинг маъноси тамоман аниқланмаган). Баъзилар сирғанчиқ, силлиқ, мулойим деб талқин қилганлар. Қуръони каримдаги Юсуф сурасида Юсуф алайҳиссаломга ошиқ бўлиб қолган аёл гарчи Азизнинг хотини деб аталса ҳам, халқ ривоятларида у Зулайҳо номи билан юритилади. Дурбекнинг машҳур «Юсуф ва Зулайҳо» достони ҳам бор. Бу дostonда ривоят қилинишича, бир неча йиллар ўтиб, Азиз ўлиб, Зулайҳо бева қолгач, Юсуф алайҳиссалом унга уйланади. Кейинчалик Зулайҳо буткул тақвога берилади.

Зулфи — форсча; аёлларнинг икки чеккасидан тушиб турган соч кокиллари, умуман аёлларнинг сочини билдиради.

Зумрад — форсча; яшил тусли қимматбаҳо тош. Кўзлари кўк туғилган чақалоққа ҳам шундай исм берилади.

Зухро — арабча; ёруғ сайёранинг номи. Уни Чўлпон ҳам дейдилар.

И

Иброҳим — қадимий яҳудийча; Таврот ва Инжил китобларида Авраам шаклида келган, «халқлар отаси» деган маънога эга. Ривоятларга кўра, Иброҳим пайғамбарнинг Исҳоқ ва Исмоил деган ўғиллари бўлиб, Исҳоқдан яҳудийлар, Исмоилдан эса араблар тарқалган.

Идрис — қадимий яҳудийча; айнан ўқувчи, ўрганувчи демақдир. Тикувчилик, тўқувчилик, хат илми сингари хунарлар Идрис пайғамбардан бошланган, деган ривоятлар бор.

Иззат — арабча; ҳурмат маъносида келади.

Икром — арабча; иззат, ҳурмат, эҳтиром, обрў ёки туҳфа маънолари бор.

Илёс — қадимий яҳудийча; айнан «Менинг тангрим Елияхин (Яҳё)» деганидир. Бу маъно Библия китобидан олинган. Аммо исмнинг истилоҳий маъ-

носи бор: Аллоҳнинг кучи, қудрати ёки халқларнинг севимлиси, эъзозланган, қадрланган одам. Оби ҳаёт ичиб, мангу тирик юрган Хизрнинг бошқа номи; қуруқликда Хизр бўлиб юрса, сувда Илёс бўлиб, одамларнинг ҳожатини чиқаради, деб фараз қилинган. Қуръони каримда ҳам Хизрнинг Мусо алайҳиссалом билан учрашгани зикр этилган.

Илҳом — *арабча*; руҳланиш, жўш уриш; интилиш маъноларини билдиради.

Имрон — *арабча*; тириклик, барҳаётлик демакдир. Имрон — Биби Марямнинг отаси бўлган. Мусо пайғамбарнинг ҳам отаси Имрон деб аталар эди.

Иноят — *арабча*; хайрихоҳлик, кўмак, эҳсон маъноларини англатади.

Иноғом — *арабча*; аслида инъом; совға, ҳадя маъносида келади.

Инъом — *арабча*; Иноғом исмининг имловий жиҳатдан тўғри ёзилиши.

Искандар — *юнонча*; жасур, мард, қўрқмас, до-вюрак ёки муҳофаза қилувчи маънолари бор. «Искандар» сўзи араб тилида саримсоқ маъносини ҳам англатади. Шарқ адабиётида Искандар персонажи жуда машҳур. Аммо бу Искандар Александр Мақдунийга алоқаси бўлмай, балки Қуръони каримда зикр этилган Искандар Зулқарнайн (икки шохли Искандар) номига таассуб қилиб берилган. Бу Ис-

кандар одамларни Яъжуж-Маъжуж зулмидан қутқарган.

Ислом — *арабча*; мусулмон динининг номи.

Исмат — *арабча*; поклик, бегуноҳлик, маъсумлик маъноларида келади.

Исмоил — *қадимий яҳудийча*; айнан Худо эшитди демақдир. Бу исмнинг тарихи қуйидагича: Иброҳим пайғамбарнинг аёли Сорадан фарзанди йўқ эди. Иброҳим алайҳиссалом ҳамиша Аллоҳдан фарзанд ато этишини сўрарди. Пайғамбарнинг фарзандга бўлган иштиёқини сезган Сора уни ўз жорияси бўлмиш Ҳожарга уйлантириб қўяди ва Аллоҳнинг инояти билан Ҳожар ўғил туғади. Шунинг учун ҳам Иброҳим пайғамбар ўғлига «Худо илтижоимни эшитди» маъносида Исмоил исмини беради. Исмоил ҳам пайғамбарлардан бўлиб, унинг номи Қуръони каримда зикр этилган. Араб халқининг отаси ҳисобланади. Ривоятларга кўра, у 137 йил умр кўриб, Маккада вафот этган.

Исомиддин — *арабча*; диннинг тутқичи, мадади, кўмаги маъноларини англатади.

Исроил — *қадимий яҳудийча*; яҳудий тилидаги Израил сўзининг арабча талаффузи. Аллоҳ йўлида курашувчи демақдир.

Исҳоқ — *қадимий яҳудийча*; кулади маъносида келади. Бу исмнинг тарихи қуйидагича: фаришта Жаброил Иброҳим пайғамбар билан унинг хотини Сорага фарзанд кўриш хабарини олиб келади. Шун-

да Иброҳим пайғамбар 100 ёшда, Сора 90 ёшда эди. чоқ бошида овқат тайёрлаётган Сора икки юзига шапатилаб роса кулади. «Энди қариган чоғимда туғаманми?!» дейди. Аммо Худонинг ваҳийси тўғри эди, Сора ўғил кўради ва яна ваҳий билан унинг исми Исҳоқ бўлади. Исҳоқ Қуръони каримга кўра, Иброҳим алайҳиссаломнинг иккинчи ўғли, Библияга кўра, биринчисидир. Мантиқий жиҳатдан олиб қараганда, Қуръондаги гап тўғри.

Ифтихор — *арабча*; фахр, ғурур деганидир.

Ихтиёриддин — *арабча*; диннинг иродаси маъносини беради. Исмнинг Ихтиёр шакли ҳам бор.

Иқболиддин — *арабча*; дин иқболи демақдир.

Ибодат — *арабча*; доимо тақво билан шуғулланувчи, Аллоҳга сифинувчи маъноларини англатади.

Ижоза — *арабча*; «ижоз» сўзидан мўъжиза деган маънони тушуниш мумкин. Чақалоқнинг баданида қандайдир ортиқча, ғалати белгилар кўринса, шундай исм берилиш одати бор. Исмнинг Ижозат шакли ҳам учрайди.

Инобат — *арабча*; Аллоҳ илтижоларни қабул қилиб берган қизалоқ демақдир.

Ирода — *арабча*; бу исмни турлича талқин қилиш мумкин: чидамли, тоқатли; Аллоҳнинг иродаси ва муруввати билан берилган фарзанд; ота-онанинг орзуси ва тилаги.

Исмигул — *арабча-форсча*; яъни, бу қизалоқнинг исми гул, деган маънони беради.

Иқболой — *арабча-ўзбекча*; бахт, саодат; омад, порлоқ келажақ деган маъноларни билдиради. Исмнинг Иқболхон деган шакли ҳам бор.

Иқлим — *арабча*; бу исмни ҳар қандай шароитта чидамли, деб талқин қилиш мумкин. Исмнинг Иқлима, Иқлимбиби, Иқлимбувиш деган шакллари ҳам бор.

Й

Йўлдошмуҳаммад — *ўзбекча-арабча*; Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга йўлдош бўлсин, деган ниятда қўйилган исм.

Йигитали — туғилган чақалоқ ҳақиқий эркак бўлсин, деган ниятда қўйилган бўлиши мумкин.

К

Кабир — *арабча*; улуғ, улкан маъноларида келади.

Камол — *арабча*; етук, мукаммал, нуқсонсиз маъноларига эга.

Киромиддин — *арабча*; диннинг саховати, карами деган маъноларни беради.

Козим — *арабча*; сабрли, чидамли, вазмин; ғазабдан ўзини тия оладиган деган маънолар англашилади.

Комил — *арабча*; мукаммал, бенуқсон, етук де-мақдир.

Комрон — *форсча*; бахтли, саодатли; мақсадига эришувчи; ҳоким, ҳукмронлик қилувчи маъноларига эга.

Кавсар — *арабча*; жаннатдаги булоқдан оқувчи сув. Ривоятларга кўра, маҳшар кунда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларни шу булоқ сувидан қондирар эканлар. Бинобарин, исмининг маъноси кенг: фаровонлик, оби ҳаёт, мўл-кўллик, раҳм-шафқат, шифобахшлик.

Камола — *арабча*; етук, баркамол демақдир. Исмининг Камолия деган шакли ҳам бор. ғил болаларга Камол, Камолиддин деган исмлар берилади.

Кимё — *арабча*; қимматбаҳо нарсалар; камёб, ноёб, нодир, тенгсиз маънолари назарда тутилган. Исмининг шакллари: Кимёбиби, Кимёхон, Кимёой.

Комила — *арабча*; етук, мукаммал; зукко деган маъноларни беради.

Кумуш — *ўзбекча*; форслар нуқра дейдиган маъданни ўзбек тилида кумуш дейишади. Бу исм ўзбек оилаларида кенг тарқалган. Айниқса, Абдулла Қодирийнинг «ткан кунлар» романи кенг тарқалгач, кўпгина туғилган қизларга Кумуш деб исм берилган.

Л

Лазиз — *арабча*; ёқимтой, ширин бола демакдир.

Латиф — *арабча*; пок, покиза; мулойим, меҳрибон деган маъноларда келади. Латиф Аллоҳ таолонинг гузал сифатларидан биридир.

Лутфиддин — *арабча*; диннинг илтифоти, марҳамати маъноларини беради. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Лутфиали, Лутфиёр, Лутфий (зиёли оилаларда шоир Лутфийга таассубан қўйилган исм), Лутфирахмон, Лутфирахим, Лутфиҳақ, Лутфулло.

Луқмон — *арабча-юнонча*; билимдон, доно демакдир. Луқмон номи Қуръони каримда ҳам зикр этилган ва алоҳида Луқмон сураси ҳам бор. У тарихда Луқмони ҳаким деб шуҳрат топган ҳабаший табиб эди. Уламолар унинг пайғамбар ёки валий экани ҳақида бир фикрга кела олмаганлар. Чунки на Қуръонда, на ҳадисда у ҳақда аниқ маълумотлар учрамайди. Фақат Қуръонда унинг ўз ўғлига қилган насиҳатлари келтирилган.

Лаззат — *арабча*; келажакда ҳаёти ҳузур-ҳаловатли бўлсин, деган ниятда берилган исм. Лазиза исми ҳам шу исмнинг шаклларида бири.

Лазокат — *арабча*; Назокат исми ўзбек тилида кўпинча шундай талаффуз ҳам этилади.

Лайли — *арабча*; тун орасида туғилган чақалоққа шундай исм берилган. Ёки исм қадимий яхудий тилидаги лилия (сафсангул)дан олинган бўлиши мумкин.

Латифа — *арабча*; бу исмнинг адабиётдаги латифа (анекдот) жанрига алоқаси йўқ, «латиф» сўзидан олинган бўлиб, нафис, покиза, мулойим деганидир. Латофат исми ҳам шу исмнинг шаклларида бири.

Лаъли — *арабча*; энг қимматбаҳо маъдан тош. Демак, лаълидек қадри бўлсин, деган ниятда берилган исм.

Лобар — *арабча*; гўзал, келишган, ёқимтой, кўркем деган маъноларга эга. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Лобаржон, Лобарой, Лобархон.

Лола — *форсча*; гулнинг номи. Бу исм ўзбек ва тожик оилаларида кенг тарқалган.

Лутфи — *арабча*; илтифот, назокат, нафосат маъноларида келади. Исмнинг Лутфинисо, Лутфия шакллари бор.

М

Мавлон — *арабча*; устоз, валенеъмат деган маъноларни билдиради. Аллоҳ таолонинг гўзал сифатларидан бири саналади.

Мажид — *арабча*; атоқли, шуҳратли, донгдор демакдир. Аллоҳ таолонинг гўзал сифатларидан бири.

Малик — *арабча*; подшоҳ, ҳоким, қирол маъноларини беради. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг гўзал сифатларидан бири ҳисобланади.

Мангуберди — *ўзбекча*; мангуликка, боқийликка дахлдор маъноларида келади. Машҳур саркарда Жалолиддин Мангубердига нисбат берилган бўлиши мумкин.

Мансур — *арабча*; устун турувчи, ғолиб, музаффар деган маъноларни англатади. Бу исмнинг Абдулмансур деган шакли ҳам бор. Абдулмансур Амир Темурнинг лақаби бўлган.

Марди — *форсча*; ботир, мард, довюрак демакдир.

Масъуд — *арабча*; бахтли, бахтиёр, саодатманд маъноларини беради.

Маҳдум — *арабча*; дин йўлида хизмат қилувчи; мартабали, обрўли деган маъноларга эга. Исмнинг Маҳзум шакли ҳам учрайди.

Маҳсум — *арабча*; Маъсум исмининг талаффуздаги шакли; пок, покиза, соф, гуноҳсиз маъноларида келади.

Махтум — *арабча*; муҳрланган, мустаҳкамланган демакдир. Исмнинг Махтумқули (машҳур туркман шоирига нисбат берилган бўлиши мумкин), Махтумберди, Махтумқилич, Махтумкелди шакллари ҳам учрайди.

Маъмун — *арабча*; омонда, ҳимоя остидаги, ҳимояга олинган маъноларини англатади. Ғазнавийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бири, Беруний замонида фаолият олиб борган маърифатпарвар подшоҳ Маъмуннинг исми ҳам шундай бўлган.

Маъмур — *арабча*; бу исмнинг қуйидаги маънолари бор:

- 1) бирон ишга буюрилган киши;
- 2) обод.

Исмни қайси маънода қўллашса ҳам, яхшилик нияти англашилади.

Маъруф — *арабча*; қуйидаги маънолар англашилади:

- 1) таниқли, машҳур;
- 2) ақлга мувофиқ, шароитга мос ва мақбул ҳисобланган феъл-ҳаракат.

Кунботар пайтида туфилган болага ҳам шундай исм қўйилган.

Машраб — *арабча*; хосият, табиат, хулқ, одат, ҳислат, майл, равиш маъноларида келади. Машҳур тасаввуф шоири Бобораҳим Машрабнинг номи билан ҳам боғлиқ.

Мақсад — *арабча*; исталган, орзу қилинган демақдир.

Маҳдум — *арабча*; жаноб, хўжа, аслзода, дин илмининг билимдони, диний пешво маъноларини билдиради.

Маҳкам — *арабча*; мустаҳкам, қаттиқ демакдир. Жони қаттиқ маъносида қўлланилади.

Маҳмуд — *арабча*; мақталган, мақтовга сазовор деган маъноларни англатади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан бири.

Меҳмон — *форсча*; янги меҳмон (фарзанд) маъносида бўлса керак. Меҳмонга борганда туғилган болаларга ҳам шундай исм берилган.

Меҳриддин — *арабча*; дин шарофати билан эришилган бола деб изоҳлаш мумкин.

Мизроб — *форсча*; нохун демакдир. Исмнинг Музробиддин деган шакли ҳам бор, буни дин нохуни, яъни динни шарҳловчи деб изоҳлаш мумкин.

Минҳожиддин — *арабча*; диннинг равшан, ёруй йўли.

Миразиз — *арабча*; иззатли мансабдор, амир демакдир.

Мирза — *форсча*; котиб; илмий маъносини беради. тмишдаги ҳукмдорлар саройида мирзалик энг катта мансаб ҳисобланган.

Мубашшир — *арабча*; башорат қилувчи дегани.

Музаффар — *арабча*; ғолиб маъносида келади.

Музроб — *форсча*; Мизроб исмининг ўзгаргани.

Мунзир — *арабча*; бу ном Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан бири бўлиб, маъноси огоҳлантирувчи демакдир.

Мурод — *арабча*; мақсад, талаб маъноларига эга.

Муртазо — *арабча*; танланган, сайланган, суюкли, қадрли деган маъноларни англатади. Бу ном ҳазрат Алининг сифатларидан бири бўлган.

Муслим — *арабча*; Ислом динига бўйсунган, муслмон, тақводор маъноларини билдиради.

Мусо — *қадимий яҳудийча*; яҳудийлар пайғамбари Моше номининг араб тилидаги талаффузи шундай. Маъноси турлича: қадимий миср тилида бола, чақалоқ, яҳудий тилида сувдан топилган ёки тортиб олинган, араб тилида устара, поки дегани.

Мустафо — *арабча*; танланган, саралаб олинган деган маънода қўлланилади. Бу ном Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан бири.

Мусулмон — *арабча*; Ислом динига бўйсунган, эътиқод қилган, художўй демакдир.

Мутал — *арабча*; Муталлиб исмининг қисқартирилгани; изловчи, ахтарувчи ёки талаб этилган маъноларида келади. Исмнинг Муталлим деган шакли ҳам бор.

Мухлисиддин — *арабча*; диннинг ихлосманди, динга содиқ; тақводор, художўй маъноларига эга.

Мухтор — *арабча*; мустақил, эркин дегани.

Муқанна — *арабча*; ниқобдор маъносини беради. Маълум белги ёки парда билан туғилган болага шундай исм қўйиш одат бўлган.

Муҳаммад — *арабча*; мақтовга лойиқ демақдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак исмлари шундай бўлган. Бу исмнинг қуйидаги шакллари бор: Муҳаммадазиз, Муҳаммадазим, Муҳаммадайюб, Муҳаммадакбар, Муҳаммадали, Муҳаммадамин, Муҳаммаданвар, Муҳаммадафзал, Муҳаммадасад, Муҳаммадаъзам, Муҳаммадаъло, Муҳаммадаълам, Муҳаммадшариф, Муҳаммадахмад, Муҳаммадбакир, Муҳаммадбек, Муҳаммадбобо, Муҳаммадбоқи, Муҳаммадбўри, Муҳаммадбобур, Муҳаммадвали, Муҳаммадвафо, Муҳаммаддарвеш, Муҳаммаддин, Муҳаммаддўст, Муҳаммадёр, Муҳаммадёқуб, Муҳаммаджалил, Муҳаммаджамил, Муҳаммаджума, Муҳаммадзакий, Муҳаммадзамон, Муҳаммадзариф, Муҳаммадзиё, Муҳаммадзиёд, Муҳаммадзикир, Муҳаммадзокир, Муҳаммадзоҳид, Муҳаммадзоҳир, Муҳаммадзулун, Муҳаммадзуннун, Муҳаммадзухур, Муҳаммади, Муҳаммадиброҳим, Муҳаммадикром, Муҳаммадислом, Муҳаммадисмоил, Муҳаммадисо, Муҳаммадисроил, Муҳаммадисҳоқ, Муҳаммадйўлдош, Муҳаммадкабир, Муҳаммадкамол, Муҳаммадкарим, Муҳаммадкомил, Муҳаммадлатиф, Муҳаммадмажид, Му-

ҳаммадмахдум, Муҳаммадмансур, Муҳаммадмахсум, Муҳаммадмирза, Муҳаммадмурод, Муҳаммадмусо, Муҳаммадмустафо, Муҳаммадмуҳсин, Муҳаммадмўмин, Муҳаммаднаби, Муҳаммаднодир, Муҳаммаднозим, Муҳаммадносир, Муҳаммаднур, Муҳаммадодил, Муҳаммадориф, Муҳаммадосим, Муҳаммадоқил, Муҳаммадражаб, Муҳаммадрасул, Муҳаммадрауф, Муҳаммадрафиқ, Муҳаммадрашид, Муҳаммадраҳим, Муҳаммадризо, Муҳаммадросиқ, Муҳаммадрўзи, Муҳаммадсаид, Муҳаммадсалим, Муҳаммадсиддиқ, Муҳаммадсодиқ, Муҳаммадсоиб, Муҳаммадсоли, Муҳаммадсолиҳ, Муҳаммадфозил, Муҳаммадхалил, Муҳаммадшокир, Муҳаммадҷусуф, Муҳаммадқобил, Муҳаммадқодир ва ҳоказо.

Муҳиддин — *арабча*; динни қўлловчи, жонлантирувчи, динга гўзаллик, нафосат бахш этувчи маъносида келади. Исмнинг Муҳиддинқори, Шомуҳиддин, Мирмуҳиддин сингари шакллари ҳам бор.

Муҳсин — *арабча*; карамли, марҳаматли, меҳрибон деган маъноларни билдиради.

Мўмин — *арабча*; динни тил ва дил билан иқрор қилувчи дегани. Мўмин Аллоҳ таолонинг гўзал сифатларидан бири.

Мавжуда — *арабча*; агар гўдак нозикроқ туғилган бўлса, яшаб кетсин, деган маънода шундай исм берилади.

Мавлуда — *арабча*; Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам муҳаррам ойининг душанба кунда ту-

ғилганлар. Агар чақалоқ шу ойда туғилган бўлса, Мавлуда исми қўйилган.

Майса — *форсча*; ердан табиий равишда кўкариб чиқадиган ўт. Эҳтимол, баҳорнинг бошланишида, майсалар кўкара бошлаганда туғилган қизга шундай исм берилгандир. Балки майсадек нозик, ёш, навқирон бўлсин, деган ният ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Макнуна — *арабча*; яширин, беркинган маъноларига эга. Исмнинг истилоҳий маъносини ҳаёли, андишали, камтар деб изоҳлаш мумкин. Макнуна Қўқон хонлиги саройида яшаб, ижод қилган Нодирабегимнинг тахаллуси ҳам бўлган.

Мактуба — *арабча*; баъзи оилаларда шундай исм берилади, аммо исмнинг маъноси тушунарсиз. Бинобарин, хат маъноси билан исм қўйиш ғалати.

Малика — *арабча*; қиролича демақдир.

Мамлакат — *арабча*; диёр, ватан; мулк маъноларини англатади. Эҳтимол, бойвучча қиз бўлсин, деган ниятда берилган исмдир.

Манзура — *арабча*; ҳусни ахлоқи билан элга манзур бўлсин, деган ниятда берилган исм.

Маржон — *форсча*; марварид тизимини англатади. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Маржона, Маржонбека, Маржонбиби, Маржонгул, Маржонқиз.

Марзия — *арабча*; мақбул, эътиборга лойиқ демақдир. Исмнинг Марзи деган шакли ҳам бор.

Мария — *қадимий яҳудийча*; устун турувчи маъносини беради. Биби Марямнинг номи. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир завжалари ҳам шу ном билан аталган.

Марғуба — *арабча*; қўмсалган, исталган, суюкли, қадрли деган маъноларни англатади.

Марҳабо — *арабча*; оилада узоқ вақт кутилган қизга шундай исм қўйилади.

Марҳамат — *арабча*; Аллоҳнинг лутфу илтифоти маъносида берилган исм.

Масрура — *арабча*; қувноқ, шодон, бахтиёр деган маъноларга эга.

Мастон — *арабча*; жозибали, мафтункор, дилкаш демақдир. Исмнинг Мастона, Мастонбиби, Мастонча шакллари ҳам бор.

Мастура — *арабча*; айнан беркитилган, яширинган, пардали деган маъноларни беради. Исмни истилоҳий маънода ифбатли деб изоҳлаш мумкин.

Масъуда — *арабча*; бахтли, саодатманд дегани. Исмнинг Масъудбахт деган шакли ҳам бор. Бу исмни ёзишда кўпинча хатоликка йўл қўйиб, Маъсуда деб ёзадиларки, бундай ёзилганда маъно чиқмайди.

Матлуба — арабча; илтижо билан эришилган, орзу қилинган маънолари тушунилади.

Матонат — арабча; Ирода исмининг бошқача шакли.

Мафтуна — арабча; мафтун этувчи, завқлантирувчи чирой маъноларига эга.

Махсума — арабча; соф, покиза, гуноҳсиз демақдир.

Маъмура — арабча; маъмурлик сўзидан олинган, фаровонлик деб изоҳлаш мумкин.

Маъсума — арабча; покиза, гуноҳсиз, бокира маъноларини беради.

Машкура — арабча; шукр сўзидан олинган. Шукр қилувчи, шукрона айтувчи деган маъноларни англатади.

Машҳура — арабча; таниқли, обрў-эътиборли бўлсин деган ниятда бериладиган исм.

Маҳбуба — арабча; дўст демақдир.

Маҳдия — арабча; тўғри йўл деган маънони билдиради.

Маҳзуна — арабча; дардли, қайғули, ғамли маъноларига эга. Аммо бу исмининг кенгроқ тарқалишига сабаб бор: Нодирабегим ва Увайсий даврларида Қўқон адабий муҳитида Маҳзуна тахаллусли

шоира ҳам бўлган. Унинг шеърлари кам сақланган бўлса-да, аммо номи халқ орасида машҳур.

Маҳина — *форсча*; ойдек сулув деган маънони беради. Исмнинг шакллари қуйидагилар: Маҳинбону, Маҳингул, Маҳинора.

Маҳлиё — *арабча*; жозибали, жозибадор маъноларида келади.

Маҳмуда — *арабча*; мақтовли, эъзозли маъносида ишлатилади. Исмнинг Маҳмуза деган шакли ҳам бор.

Моҳира — *арабча*; истеъдодли, уддабурро, чаққон деган маъноларни ифодалайди.

Муаззам — *арабча*; катта, улуғ демакдир. Исмнинг Муаззама деган шакли ҳам бор.

Мубина — *арабча*; очиқ, равшан; жозибали ҳамдир.

Муборак — *арабча*; эҳтимол, онаси ҳомиладорлик пайтида дуо олган ва Муборак исмини қўйган бўлиши мумкин. Исмнинг Мубора шакли ҳам учрайди.

Музайяна — *арабча*; безанган, зийнатланган, ораста маъноларини англатади.

Мукаррама — *арабча*; иззат ва ҳурмат соҳибаси деган маъноларда қўлланилади.

Мултажиба — арабча; нурли, ёрқин, равшан демақдир.

Мунаввара — арабча; Мултажиба исмининг айнан маъносини бунга ҳам ишлатса бўлади.

Муниба — арабча; тўғри йўлга кирувчи, яъни Аллоҳ таоло йўлидан юрувчи маъноларини билдиради.

Мунира — арабча; нурли, равшан деган маъноларни ифодалайди.

Мунис — арабча; дўст, ўртоқ, сирдош деган маъноларда келади. Исмнинг Муниса деган шакли ҳам бор.

Муножот — арабча; узоқ йиллар мобайнида фарзанд кутган оилаларда шундай исм берилади.

Мурувват — арабча; меҳрли, шафқатли маъносини беради.

Муршида — арабча; тўғри йўлдан боровчи, ҳудожўй, тақводор демақдир.

Мусаллам — арабча; сидқидил, итоаткор; ёввош маъноларини ифодалайди. Исмнинг Мусаллама деган шакли ҳам бор.

Муслима — арабча; мусулмон, ҳудожўй, тақводор, ёлғиз Аллоҳга сифинувчи маъноларида келади.

Мухлиса — арабча; ҳаётда ихлос билан яшасин, деган ниятда бериладиган исм.

Муштарий — *арабча*; Юпитер сайёрасининг номи, уни Нептун деб ҳам атайдилар.

Мушфиқа — *арабча*; меҳрибон, шафқатли демақдир.

Муяссар — *арабча*; Аллоҳ таоло ато этган фарзандни ифодалаб ёки ҳаётда кўп нарсаса эришсин, деган ниятда бериладиган исм.

Муқаддам — *арабча*; олдинда боровчи, пешво бўлишини истаб ёки тўнғич фарзандга бериладиган исм.

Муқаддас — *арабча*; табаррук, азиз бўлсин, деб ёки муқаддас қадамжоларни зиёрат қилгандан кейин туғилган гўдакка бериладиган исм.

Муҳаббат — *арабча*; бу исмнинг берилиш сабаби икки севишган қалбга боғлиқ бўлса керак.

Муҳайё — *арабча*; илтижоларимизни Аллоҳ ҳозир қилди, деган маънода бериладиган исм.

Муҳибнисо — *арабча*; дўст, қадрдон демақдир. Исмнинг ушбу шакллари бор: Муҳиба, Муҳиббиби, Муҳибжаҳон, Муҳибжамол.

Муҳима — *арабча*; оилада мушток бўлиб кутилган фарзандга шундай исм бериш мумкин.

Муҳсина — *арабча*; меҳрибон, яхшиликлар қилувчи, раҳмдил маъноларида келади.

Муҳтарам — *арабча*; ҳурматли, қадрли, юксак эъзозга сазовор маъноларини ифодалайди. Исмнинг Муҳтарама деган шакли ҳам бор.

Мўмина — *арабча*; шариат қоидаларига биноан яшайдиган, тақводор дегани. Исмнинг Мўминнисо деган шакли ҳам бор.

Мўътабар — *арабча*; ҳурматли, азиз деган маъноларни англатади. Талаффузда Мухтабар деб ҳам истеъмол қилинади.

Мўътила — *арабча*; ато қилинган, тухфа, бахшанда, инъом этилган деган маъноларни ифодалаб, узок вақт фарзанд кутган оилаларда шундай исм берилади.

Н

Наби — *арабча*; пайғамбар, Аллоҳнинг элчиси назарда тутилади.

Наврӯз — *форсча*; қадимий исмлардан бири. Наврӯз кунида туғилган гўдакларга шундай исм қўйиш одати учрайди.

Назар — *арабча*; Аллоҳ ёки авлиёлар назари билан туғилган бола демақдир.

Назир — *арабча*; огоҳ қилгувчи, азоблардан огоҳлантирувчи маъносида келади. Бу ном Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан бири. Ёки кимгадир назир қилинган маъносида ҳам бўлиши мумкин.

Назрулло — *арабча*; Аллоҳга назир қилинган, садақа қилинган бола дегани.

Наим — *арабча*; бахтли, омадли, саодатманд маъноларини беради.

Намоз — *форсча*; эҳтимол, ибодат пайтида туғилган болага шундай исм қўйилгандир ёки хужуджўй бўлсин, деган маънода ҳам берилган бўлиши мумкин.

Наримон — *арабча*; эҳтимол, нуриймондир.

Насим — *арабча*; енгил шабада, тонг шамоли маъноларини ифодалайди.

Насриддин — *арабча*; диннинг ғолиблиги, диннинг зафари деган маъноларни англатади. Бу исмининг Насрулло деган шакли ҳам бор.

Неъмат — *арабча*; насибали, ризқ-рўзли демақдир.

Низом — *арабча*; тартибли, интизомли деганидир.

Нишон — *форсча*; баданида бирон белги билан туғилган ёки отаси ё онасидан ёдгорлик бўлиб қолган болага шундай исм берилган.

Нодим — *арабча*; ҳамдам, ҳамсухбат, дўст маъноларига эга.

Нодир — *арабча*; камёб, ноёб, бебаҳо, тенгсиз деган маъноларни англатади.

Нозим — *арабча*; тартибга келтирувчи, тартибга солувчи ёки шоир маъноларида келади.

Ноиб — *арабча*; ўринбосар, кўмакчи, ёрдамчи маънолари англашилади.

Носир — *арабча*; кўмакчи, ёрдамчи ёки ғолиб, музаффар деган маъноларни билдиради. Бу ном Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан бири.

Нусрат — *арабча*; ғолиб, музаффар демақдир.

Нуъмон — *яхудийча*; илтифот, мурувват, лутф, меҳр маъноларига эга.

Нух — *яхудийча*; аслида Нухо — ақл, хирад, зеҳн демақдир. Бу ном Нух пайғамбарнинг лақаби бўлган. Унинг асл исми Сакиб ёки Сокиб (*арабча*) бўлиб, қўймоқ, тўлмоқ деганидир. Бу исмнинг Нухиддин деган шакли ҳам бор. Маъноси динни тўлдирмоқ деб шарҳланади.

Навбаҳор — *форсча*; илк баҳор назарда тутилади. Ёки кўкламнинг бошланиш пайтида туғилган гўдакка шу ном берилади.

Назира — *арабча*; бахшида демақдир. Исм маъноси халқ орасидаги ирим ва эътиқодларга боғлиқ, бинобарин баъзи оилаларда Худо бизга фарзанд берса, фалончи авлиёга назир қиламиз, деган ваъда бўлади ва шунинг учун ҳам аҳдни бажариш учун шундай исм қўйилади. Маълум ёшга етгач, ўша

сифинилган авлиё ёки шайхнинг дуоси билан гўдак назирлик (бахшандалик)дан озод бўлади.

Назокат — *арабча*; латофатлилик, нозиклик, латифлик маъноларида келади.

Наима — *арабча*; иқболи баланд, саодатманд деган маъноларни англатади. Агар исм тутуқ белгиси билан (Наъима деб) ёзилса, у ҳолда маъноси жаннат бўлади.

Наргиз — *форсча-юнонча*; аслида Наргис. Юнонлар бўтагулни наргис деганлар. Талаффузда «с» ҳарфи «з» ҳарфига айланган. Исмнинг Наргиза деган шакли ҳам бор.

Насиба — *арабча*; Аллоҳ берган насиба ёки ризқ-рўзли маъносида ишлатилади.

Нафиса — *арабча*; нозик, хуштабиат демакдир. Исмнинг Нафосат деган шакли ҳам бор.

Нигина — *форсча*; узук деганидир. Бу исмни изохлашда шундай талқинга йўл қўйиш мумкин: аёлларнинг бармоқларидан, билакларидан узук тушмайди; онасига ҳамроҳ бўлсин, деган ниятда бериладиган исм бўлиши керак.

Нигор — *форсча*; расм, сурат, тасвир; гўзал маъноларига эга.

Нилуфар — *форсча*; савсан маъносини беради. Сув юзасида юрган нилуфар ғоятда чиройли. Со-

ҳибжамол қиз бўлсин, деган ниятда бериладиган исм.

Нишонбиби — *форсча-ҳиндча*; бирон нишон билан туғилган гудакка шундай исм бериш мумкин.

Ниҳол — *форсча*; ўсувчи, яшовчи деган маъноларни ифодалайди.

Нодира — *арабча*; тенгсиз, ноёб демақдир. Исмнинг Нодирабегим, Нодирабека, Нодирабиби, Нодирабону, Нодиргул, Нодиртож каби шакллари бор.

Ноила — *арабча*; Аллоҳга илтижо қилингандан кейин марҳамат қилинган фарзандга шундай исм берилади.

О

Обид — *арабча*; тоат-ибодат қилувчи, тақводор демақдир.

Одил — *арабча*; ҳақгўй, адолатли, инсофли, тўғри, ҳалол маъноларида келади.

Одина — *форсча*; жума куни туғилган болага шундай исм қўйиш расм бўлган.

Озод — *форсча*; эркин, ҳур, холи деган маъноларга эга.

Оламгир — *арабча-форсча*; Жаҳонгир исмининг ўзгача шакли. Олам сўзи билан бошланадиган ис-

мларнинг шакллари қуйидагилар: Оламиддин, Олам-назар.

Олим — *арабча*; билимли, билимдон, донишманд маъноларини беради.

Оллоёр — *арабча-форсча*; Аллоҳга дўст, Аллоҳ қўлласин, деган маъноларда қўлланилади.

Омон — *арабча*; омон бўлувчи, нажот топувчи маъноларига эга.

Ориф — *арабча*; билимдон, ақлли, доно ёки ҳудожўй.

Осим — *арабча*; қўриқланган, ҳимояланган, муҳофаза қилинган, хавфсиз маъноларини беради.

Офоқ — *арабча-ҳиндча*; айнан уфқ демакдир. Исмнинг Офоқхўжа деган шакли ҳам бор.

Охун, Охунд — *форсча*; мулла, муаллим, устоз; туркман тилида ака, оға деган маъноларда келади.

Оқил — *арабча*; фаҳм-фаросатли, ақлли, доно маъноларига эга.

Обида — *арабча*; тақводор, ҳудожўй деган маъноларни беради.

Озода — *форсча*; кўп манбаларда бу исмни эркин, ҳур деб талқин қиладилар. Агар фақат ўғил болаларга нисбатан бу исм берилса, айтилган маъ-

но тўғри. Аммо қиз болага қўйилса, икки маънода тушунмоқ керак: эркин, ҳур; саришта, озода.

Ойша — *арабча*; яшовчи, барҳаёт, жони қаттиқ маънолари англашилади. Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг завжаларидан бирининг исми Ойша бўлган.

Олима — *арабча*; билимдон бўлсин, деган ниятда берилган исм. Исмнинг Олимтилла деган шакли ҳам бор.

Олмос — *форсча*; энг қимматбаҳо безак, демак, оиланинг безаги бўлсин, деган ниятда қўйилади.

Олтинбиби — *ўзбекча-ҳиндча*; эҳтимол, гўдак сариқ туғилгани учун шундай исм берилар.

Осиё — *форсча*; айнан тегирмон демақдир. Эҳтимол, тегирмон тошидек мустаҳкам бўлсин, деган ниятда бериладиган исмдир. Ҳар эҳтимолга қарши Осия ҳам бўлиши мумкин. Осия — ўзини Худо деб атаган Фиръавннинг хотини, Мусо пайғамбарни тарбиялаган аёл, сарой хоними бўлган.

Офтоб — *форсча*; ҳамиша офтобдек чарақлаб турсин, деган ниятда бериладиган исм.

Оқила — *арабча*; ақлли, фаросатли, доно деганидир.

Оҳиста — *форсча*; умри тинч, сокин ўтсин, деган маънода қўйиладиган исм.

II

Паём — *форсча*; хабар, дарак; истилоҳий маънода хабардор, хабар берувчи демакдир. Пайғом исми ҳам шу маънони англатади.

Парда — *форсча*; ўз пардаси (кўйлаги) билан туғилган болага шундай исм берилган.

Парпи — *форсча*; аслида фарфи — нафис, мулойим, юмшоқ табиатли деган маъноларни беради. Парпи деган доривор ўсимлик ҳам бор.

Партов — *форсча*; асли партав; нурли, нур сочувчи.

Паҳлавон — *форсча*; аслида «пахлу» сўзидан олинган, ён, биқин, қанот маъноларини англатади. Истилоҳий маъноси зўр, кучли, қудратли; лашкар бошлиғи демакдир.

Поён — *форсча*; қатор қиз туғилгандан кейин туғилган ўғилга берилган исм. Эҳтимол, кенжа боладир.

Полвон — *форсча*; «Паҳлавон»нинг ўзбекча талаффузи; кучли, қудратли, баходир маъноларини беради.

Порсо — *форсча*; ёмон ишлардан сақланувчи, ўзини тийувчи, тақводор, художўй демакдир.

Пўлат — *форсча*; маъноси тушунарли, мустаҳкам маъдан номи.

Пайкар — *форсча*; айнан бадан, гавда, қомат, сумбат маъноларини ифодалайди. Пари пайкар деганда паридек келишган, чиройли деб тушунилади.

Пардагул — *форсча*; ўз пардаси билан туғилган гўдакка шундай исм берилади.

Пари — *форсча*; гўзал дегани.

Парча — *форсча*; парчақора, парчачавдар, парчаюз, парчабургут, лақайпарча деган уруғлар бор, шу уруғларга мансуб гўдак бўлса керак. Исмнинг Парчаой, Парчин, Ойпарча, Парчахол, Парчиной шакллари бор.

Покиза — *форсча*; Маъсума исмига қаранг.

Попук — *форсча*; чиройли, ширин маъноларини билдиради. Исмнинг Ойпопук деган шакли ҳам бор.

Пошша — *форсча*; бу исм «подшоҳ» ёки «пошо» сўзларидан олинган. Подшоҳ — юрт эгаси, раҳбари, пошо — турк тилида генерал дегани. Қайси маъно исм учун танланса ҳам фарқи йўқ.

Р

Раббимқул — *арабча-ўзбекча*; Аллоҳнинг кули, бандаси деган маъноларни англатади.

Равшан — *форсча*; ёруғ, шуълали; тиниқ, беғубор; ғамсиз маъноларини ифодалайди.

Ражаб — *арабча*; ҳижрий йилнинг ражаб (тўртинчи) ойида туғилган болага шундай исм берилган.

Раззоқ — *арабча*; ризқ берувчи демакдир. Бу исмни шундай қўйиш ярамайди. Ундан кўра қуйидаги шаклларидан фойдаланиш керак: Абдураззоқ, Раззоқберди, Раззоқберган, Раззоққул.

Рамазон — *арабча*; қамарий йил ҳисоби бўйича тўққизинчи ойда туғилган болага шундай исм берилади.

Рамз — *арабча*; белги, ишора; тимсол маъноларини билдиради. Рамзиддин, Рамзулло деган шакллари бор.

Рауф — *арабча*; мулойим, шафқатли, раҳмдил деган маъноларга эга. Бу исмнинг Абдурауф деган шакли ҳам бор.

Рафиқ — *арабча*; дўст, ҳамдам маъноларини беради.

Рашид — *арабча*; тўғри йўлдан юрувчи демакдир.

Раҳим — *арабча*; меҳрибон, марҳаматли маъноларини ифодалайди. Аллоҳ таолонинг гўзал исм-сифатларидан бири. Аммо бачадонни ҳам раҳим дейдилар.

Раҳмат — *арабча*; бу исм ҳам меҳрибон, марҳаматли деган маъноларни беради.

Раҳмон — *арабча*; ўта меҳрибон деганидир. Аллоҳ таолонинг гўзал исм-сифатларидан бири.

Рифъат — *арабча*; улуғлик, юксаклик маъноларини ифодалайди.

Рихситилла — *арабча-форсча*; тилладек қимматли, қадрли деган маъноларда келади.

Руслан — *форсча*; арслон демақдир.

Рустам — *пахлавийча*; «Авесто»даги Раодастан сўзидан олинган бўлиб, улкан гавдали, қудратли, довюрак, баҳодир маъноларини билдиради. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Зол ўғли Рустамнинг номи. Бу сўзнинг иккинчи маъноси «қутулдим» деганидир. «Шоҳнома»да баён қилинишича, она Рустамни туғаётганда бениҳоя қийналган. Чақалоқ туғилгач, рустам, дейди беҳолланиб. Чақалоқ жуда улкан туғилган экан.

Руҳиддин — *арабча*; диннинг руҳи деган маъноларни англатади. Исмнинг Рухулло (Рухуллоҳ) деган шакли ҳам бор.

Равза — *арабча*; бу исмнинг қуйидаги маънолари бор:

- 1) боғ, гулбоғ;
- 2) жаннат;
- 3) муқаддас қабр, азиз-авлиёлар қабри (мажозий маънода).

Исм танланганда биринчи ва иккинчи маъноларни олиш мумкин. Исмнинг Равзагул деган шакли ҳам бор.

Равшанак — *форсча*; ёруғ, нурли маъноларида келади. Ривоятларга кўра, Александр Мақдуний рта Осиёни забт этгач, маҳаллий хонадоннинг Равшанак деган қизини севиб қолган ва уни ўз никоҳига олиб, Македонияга қайтиб кетган. Демак, Равшанак юнонларнинг онаси мақомида бўлган. Исмнинг Равшаной, Равшания деган шакллари ҳам учрайди.

Ражаббиди — *арабча-ҳиндча*; ҳижрий йил ҳисобининг еттинчи ойи — ражаб ойида туғилган гўдакка шундай исм берилади. Исмнинг Ражаббека, Ражабгул деган шакллари бор.

Раиса — *арабча*; бошлиқ, раҳбар, сардор, сарвар маъноларини ифодалайди. Юнон тилида эса меҳрибон, мулойим, итоаткор одам раис дейилади.

Райҳон — *арабча*; райҳонни жаннат гули деб атайдилар. Исмнинг Райҳона, Райҳонгул деган шакллари мавжуд.

Рамила — *арабча*; билувчи, тилсимлар сирини очувчи; фолбин демакдир. Шу эътибордан бу исми гўдакка қўймаган яхши.

Раъно — *арабча*; қизил гулларнинг бир тури раъно деб аталади.

Рашида — *арабча*; тўғри йўлдан юрувчи деган маънода қўлланилади.

Раҳбарнисо — *арабча*; йўлбошчи дегани. Исмнинг Раҳбарой, Раҳбархон деган шакллари бор.

Раҳима — *арабча*; мурувватли, шафқатли маъноларида келади.

Рисолат — *арабча*; элчилик, пайғамбарлик авлодига мансуб гўдакларга шундай исм берилади. Яна тўғри йўлда, ҳидоят йўлида бўлсин, деган ният назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

Рихси — *арабча*; ризқ-насибали демақдир.

Роби — *арабча*; тўртинчи деган маънони беради. Оилада тўртинчи қиз фарзандга шундай исм қўйилади. Бу исмнинг Робиа, Робиабу, Робинисо, Робия деган шакллари бор.

Роҳила — *қадимий яҳудийча*; баъзи оилаларда бу исмнинг маъносини англамай гўдакка қўядилар. Унинг маъноси маркаб, уловдир.

Румия — *арабча-юнонча*; эҳтимол, Рум эллари-дан бирида туғилган гўдакка шундай исм берилган бўлиши мумкин.

Рухсора — *форсча*; ёноқ, юз, чеҳра маъносини ифодалайди. Бу исмдан мурод гўдакнинг зебо, гўзал бўлиб етишиши ният қилинади.

Рухшона — *форсча*; «рух» сўзининг учта маъноси бор:

- 1) юз, чеҳра, кўриниш;
- 2) шахматдаги тўғри юрадиган сипоҳи;
- 3) афсонавий улкан бир қуш.

«Шона» сўзининг маънолари қуйидагилардан

иборат: шона — тароқ, шона — парранда тожи, шона — ғўза ғунчаси. Шу маънолардан келиб чиқиб, исмни гулғунча юз деб изоҳлаш мумкин.

Руқия — арабча; сеҳр, тумор демақдир. Бу исмни қўйишдан мурод кўз тегмасин, сеҳр таъсир қилмасин, ҳимояланган, дам солинган бўлсин, деган ният ётган бўлиши ҳам мумкин.

Рўзибегим — форсча-ўзбекча; «рўз» — кун дегани. Демак, кундек равшан, ёруғ деган маънода қўлланади. Исмнинг Рўзибека, Рўзибуви, Рўзигул, Рўзимомо, Рўзимоҳ, Рўзинисо, Рўзихол деган шакллари ҳам учрайди.

С

Садибой — арабча-ўзбекча; содда, покиза маъноларини ифодалайди.

Садр — арабча; баланд мартабали, мансабдор демақдир.

Саид — арабча; бахтли, саодатли деган маъноларда келади. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Саидаббос, Саидаброр, Саидазим, Саидакбар, Саидакрам, Саидали, Саидамин, Саидамир, Саиданвар, Саидато, Саидафзал, Саидаъло, Саидахмад, Саидахрор, Саидбадр, Саидбилло, Саидбоқи, Саидбурҳон, Саидвали, Саидваққос, Саиддоно, Саидёр, Саидёкуб, Саиджаббор, Саиджалол, Саиджамол, Саиджамил, Саиджаҳон, Саидиброҳим, Саиддин, Саидислом, Саидкамол, Саидкарим, Саидкомил, Саидма-

лик, Саидмамат (Саидмуҳаммад), Саидмат (Саидмуҳаммад), Саидмақсад, Саидмақсуд, Саидмахмуд, Саидмирза, Саидмурод, Саидмусо, Саидмухтор, Саиднаби, Саиднур, Саиднуъмон, Саидолим, Саидомон, Саидориф, Саидохун, Саидрасул, Саидрахим, Саидрахмон, Саидризо, Саидтилла, Саидтожи, Саидтой, Саидтура, Саидфозил, Саидшо, Саидэшон, Саидэхсон, Саидўлмас, Саидқайюм, Саидқори, Саидқосим, Саидқул, Саидғани, Саидғози, Саидҳосил, Саидҳусайн.

Сайид — арабча; айнан эга, хўжа; бошлиқ, раҳбар маъноларини билдиради. Сайид Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам авлодларининг фахрий унвони. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Сайди, Сайдиёр, Сайдимат (Сайдимухаммад), Сайдин, Сайдирасул, Сайдиқул, Сайидғани, Сайдулло, Сайидазим, Сайидали, Сайидамин, Сайидамир, Сайидасқар, Сайидато, Сайидафзал, Сайидахмад, Сайидбаттол, Сайидбек, Сайидберди, Сайидбилал, Сайидбурҳон, Сайидвали, Сайиддин, Сайидёр, Сайиджаббор, Сайиджалол, Сайиджон, Сайиджўра, Сайидзода, Сайидикром, Сайидислом, Сайидкарим, Сайидкелди, Сайидкомил, Сайидлатиф, Сайидмамат (Сайидмуҳаммад), Сайидмахмуд, Сайидмирза, Сайидмурод, Сайиднаби, Сайидназар, Сайидназир, Сайиднасим, Сайиднафас, Сайидниёз, Сайиднур, Сайиднуъмон, Сайидолим, Сайидомон, Сайидориф, Саидохун, Сайидпўлат, Сайидражаб, Сайидрасул, Сайидрахим, Сайидрахмон, Сайидризо, Сайидсултон, Сайидтемур, Сайидумар, Сайидусмон, Сайидфозил, Сайидҳалил, Сайидшариф, Сайидюнус, Сайидяхё, Сайидяхқуб, Сайидўроз, Сайидқайюм,

Сайидқилич, Сайидқосим, Сайидқурбон, Сайидқул, Сайидғани, Сайидғафур, Сайидғаффор, Сайидғози, Сайидҳабиб, Сайидҳасан, Сайидҳожӣ, Сайидҳусайн.

Сайфи — арабча; қилич, шамшир маъноларини беради. Исмнинг Сайфиали, Сайфиддин, Сайфулло, Сайфияздон, Сайфиқора, Сайфулисом, Сайфулмалик деган шакллари бор.

Салим — арабча; соғлом демақдир.

Салмон — арабча; беозор, мулойим, ювош маъноларига эга.

Салом — арабча; тинчлик, соғлиқ, омонлик дегани.

Салоҳ — арабча; рост, тўғри, ҳалол; ҳақгўй маъноларини беради.

Самандар — арабча-юнонча; юнончадаги «саламандра» сўзидан олинган бўлиб, ўтда ёнмайдиган деган маънони билдиради.

Самар — арабча; ҳосил, натижа, мева демақдир. Исмнинг Самариддин деган шакли ҳам бор.

Сами — арабча; эшитувчи, тингловчи маъноларини англатади. Аллоҳнинг сифатларидан бири.

Самин — арабча; қадрли, қимматли, азиз маъноларига эга.

Санжар — *арабча*; айнан санчмоқ маъносини беради. Истилоҳий маъноси шиддатли, ўткир де-макдир.

Санъат — *арабча*; чиройли ҳунарлар эгаси дегани.

Сарвар — *форсча*; йўлбошловчи, бошлиқ, раҳ-намо маъноларни ифодалайди.

Сардор — *форсча*; етакчи, бошлиқ деган маъно-ларда тушунилади.

Сафар — *арабча*; сафар ойи (мусулмонлар тақ-вимидаги иккинчи ой)да туғилган ёки сафар чоғи-да ёхуд отаси ва қариндошларидан бири сафарга кетганда туғилган болага шу исм берилган. Яна Са-фармурод, Сафармуҳаммад, Сафарниёз, Сафарали кабилар бор.

Сафо — *арабча*; тиниқ, покиза маъноларида келади.

Саъди — *арабча*; бахтли, саодатли, омадли деган маъноларни ифодалайди. Исмнинг Саъдибой, Саъ-диваққос, Саъдимурод, Саъдиниёз, Саъдулло, Саъ-дихон деган шакллари ҳам бор.

Саҳобиддин — *арабча*; ҳамфикр диндошлар де-ганидир. «Саҳобий» сўзидан олинган.

Сиддиқ — *арабча*; тўғрисиўз, софдил, ростгўй маъноларини билдиради. Бу ном Муҳаммад сол-лаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин дўстлари ва биринчи халифа Абу Бакрнинг лақаби бўлган.

Сино — *лаҳлавийча*; донишманд, ҳаким маъноларини беради.

Сирож — *арабча*; ёруғлик, нур, чироқ деган маънолар тушунилади.

Соат — *арабча*; яхши, хосиятли вақтда туғилган демақдир.

Собир — *арабча*; сабрли, тоқатли маъноларига эга. Бу ном Айюб пайғамбарнинг лақаби бўлган.

Собит — *арабча*; мустаҳкам, маҳкам деган маъноларни англатади.

Содир — *арабча*; асли «садр» сўзидан олинган. Бошлиқ, раҳбар деган маънолар тушунилади.

Содиқ — *арабча*; чин дўст дегани.

Соиб — *арабча*; Соҳиб исмининг бошқа кўри-ниши бўлиб, эга, хўжайин маъносини беради.

Солиҳ — *арабча*; пок, ҳалол, покиза демақдир.

Соқи — *арабча*; соғ, соғлом, сезгир, зийрак деган маъноларга эга.

Соҳиб — *арабча*; Соиб исмининг тўғри талаффузи.

Сувон — *арабча*; эгов дегани. Эговдек мустаҳкам бўлсин, деган ниятда берилган исм.

Сулаймон — қадимий яхудийча; асли Шелома-дир бўлиб, араб тилига ўтганда Сулаймон шаклини олган. Таврот китобида Соломон дейилган. Маъноси ҳимояланган, берк, муҳофазага олинган, шикаст топмайдиган, тинч, осойишта демақдир.

Султон — арабча; ҳукмдор маъносини беради.

Суннат — арабча; йўл, одат, удум, таомил деган маъноларга эга. Ёки суннати ўзи билан туғилган болага шундай исм берилади. Исмнинг Суннатулло деган шакли ҳам бор.

Суръат — арабча; чаққон, эпчил маъноларини ифодалайди.

Суҳроб — паҳлавийча; қизил ёғду; лаъл, ёқут деган маъноларни англатади. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги қаҳрамон Рустамнинг лақаби.

Сабина — арабча; қадрли, қимматли, суюкли маъноларига эга.

Сабиха — арабча; чиройли, гўзал, хушрўй, латиф, малоҳатли демақдир.

Сабо — арабча; тонг ели, тонг шабадасини ифодалайди. Саҳар пайтида туғилган гўдакка бериладиган исм. Исмнинг Сабогул деган шакли ҳам бор.

Савда — арабча; буғдойранг туғилган қизалоқларга шундай исм қўйилган. Савда саҳобия аёл бўлган.

Саври — *арабча*; шамсий йил ҳисобининг иккинчи оyi (апрел)да туғилган чақалоққа шундай исм берилган. Исмнинг Савура деган шакли ҳам бор.

Садаф — *арабча*; уз тиши билан туғилган чақалоққа бериладиган исм.

Садбар — *форсча*; айнан юз барг, юз япроқ демакдир. Истилоҳий маънода гуллаб-яшнасин деган маъноларини билдиради.

Садоқат — *арабча*; вафодор, содиқ; чин, самимий дўст маъноларини беради.

Саёҳат — *арабча*; саёҳат чоғида ёки отаси саёҳатта кетган пайтда туғилган чақалоққа шу исм берилади.

Сажия — *арабча*; феъл-атвор, характери ифодалайди. Бу исмни туғма хислат ва қобилият деб изоҳлаш мумкин.

Саима — *арабча*; айнан рўзани билдиради. Бу исмни тақводор, художўй, деб талқин қилиш мумкин. Исмнинг Сайима деган шакли ҳам бор.

Сайёра — *арабча*; тез ҳаракат қилувчи юлдуз; планетанинг номи.

Салима — *арабча*; соғлом, саломат, омон маъноларини беради.

Саломат — *арабча*; тинчлик, осойишталик, эсон-омонликни англатади.

Салтанат — *арабча*; айнан ҳокимият, ҳукмронлик маъноларини билдиради. Улғайиб, юксак мартабаларга эришсин, оиланинг мартабаси шу қиз, деган маънода қўйиладиган исм.

Самира — *арабча*; суҳбатдош, дилкаш демақдир.

Санам — *арабча*; маъбуда дегани бўлиб, мажозий маънода гўзал, зебони ифодалайди.

Санобар — *арабча*; қарағайга ўхшаган хушқомат дарахт бўлиб, асли ёзилиши Санавбар.

Саодат — *арабча*; бахтли, бахтиёр, иқболи баланд маъноларини беради.

Сарви — *форсча*; тўғри, тик ўсадиган, қишин-ёзин кўм-кўк турадиган, ҳиди ёқимли, хушқомат дарахт.

Сафия — *арабча-қадимий юнонча*; ақл, донишмандлик рамзи ёки соф, покиза, покдомон; маъсума, иффатли дегани.

Сафура — *арабча*; юлдуз, ёруғ юлдуз, порлоқ, ёрқин; шукуҳли, ҳашаматли ёки сочи сариқ қиз.

Ситора — *арабча*; айнан юлдуздир. Демак, ўзбекча Юлдуз исмининг арабча шакли.

Сожида — *арабча*; художўй, тақводор демақдир.

Солиҳа — *арабча*; яхши хислатларга эга, мақбул маъноларини ифодалайди. Солия шакли ҳам бор.

Сора — қадимий яҳудийча; танланган, сараланган деган маъноларни билдиради. Иброҳим пайғамбарнинг хотини ҳам Сора деб аталган.

Соҳиба — арабча; эга, бека дегани.

Сумбул — форсча; сумбула ўсимлиги сой ва ҳавза тепаларида ўсади, у ғоят чиройли, барг ва навдалари қизларнинг узун сочларидек сувга тушиб туради.

Сурайё — арабча; юлдуздек порлоқ демақдир.

Сурмахон — форсча-ўзбекча; қорақўз, шаҳло кўз маъноларида бериладиган исм.

Т

Таваккал — арабча; тақдири Аллоҳга топширилган бола. Боласи турмаган оилаларда туғилган чақалоққа шундай исм қўйилган.

Талъат — арабча; чиройли, соҳибжамол маъносида келади.

Тансиқ — арабча; ноёб, нодир; болага ташна оилада туғилган чақалоққа шундай исм қўйилган.

Тилла — форсча; олтиндек қимматли дегани.

Тожи — форсча; хол билан туғилган бола.

Тоир — арабча; қуш; парвоз қилувчи, юксакликка кўтарилувчи маъноларини англатади.

Толиб — *арабча*; билим изловчи, илм ихлосманди маънолари тушунилади.

Тоҳир — *арабча*; таҳоратли, покиза; беғубор деган маъноларни ифодалайди.

Туман — *мўғулча*; айнан минг демақдир. Истилоҳий маънода кўпайсин дегани.

Туроб — *арабча*; хок, тупроқ маъноларини билдиради.

Табассум — *арабча*; ҳамиша чиройи очиқ бўлсин, деган ниятда бериладиган исм.

Танзила — *арабча*; Аллоҳнинг иродаси билан вужудга келган фарзанд.

Таҳмина — *арабча*; кучли, қудратли, жасур деган маъноларни тушуниш мумкин.

Тоза — *арабча*; Маъсума исмига қаранг. Исмнинг Тозагул деган шакли ҳам бор.

Тоира — *арабча*; юксак-юксакларга учувчи қуш маъносини англатади.

Тоҳира — *арабча*; таҳоратли; покиза, дили тоза, покдомон, тақводор демақдир.

Тўти — *форсча*; қушлар ичида бийрони тўти ҳисобланади, ўргатилган гапни такрорлайди. Исмнинг истилоҳий маъносини ширин тили деб изоҳ-

лаш мумкин. Исмнинг Тўтибиби, Тўтигул, Тўтимо-
мо, Тўтинисо, Тўтихол, Тўтиқиз шакллари ҳам бор.

У

Убай — *арабча*; асли Убайд; қул, қул бола маъ-
ноларини англатади. Исмнинг Убайдулло ва Убай-
мирза деган шакллари ҳам бор.

Узайр — *арабча*; кучли, қудратли, кўмакчи маъ-
ноларини билдиради. Қадимда Исроил қавмининг
пайғамбарларидан бири бўлган.

Улфат — *форсча*; барчага дўст бўлсин, деган ни-
ятда қўйилган исм.

Умар — *арабча*; барҳаёт яшовчи маъносида ке-
лади. Мусулмон оламининг иккинчи халифаси Умар
ибн Хаттобнинг исми.

Умид — *арабча*; орзу қилинган, кутилган деган
маъноларда тушунилади.

Умир — *арабча*; умри билан берган бўлсин, де-
ган маънода қўлланилади.

Усмон — *арабча*; синган-чиққанларни даволовчи
табиб шундай дейилади. Мусулмон оламининг учин-
чи халифаси Усмон ибн Аффоннинг номи ҳамдир.

Убайда — *арабча*; луғавий маъноси кичик қул
(чўри) бўлса ҳам, исми Аллоҳнинг хоксор банда-
си деб изоҳлаш мумкин.

Узаро — *арабча*; гулюз, чиройли, гўзал, зебо де-мақдир.

Умида — *арабча*; бу исмни бир неча маънода изохлаш мумкин: биринчидан, узоқ йиллар кутилган фарзандга шундай исм берилади; иккинчидан, кейингиси ўғил бўлишидан умид сифатида шундай аталади; учинчидан, оила бирон нарсаса умид қилганда гўдакка шундай исм қўйилади.

Умматой — *арабча-ўзбекча*; маълум бир пайғамбарнинг уммати, қавми маъноларини ифодалайди. Исмнинг Умматхон деган шакли ҳам бор.

Умри — *арабча*; узоқ умр кўрсин, деган ниятда бериладиган исм.

Ф

Фазли — *арабча*; марҳамат, инобат, ҳиммат, ортиқлик, устунлик, етуқлик маъноларини англатади.

Файёз — *арабча*; олийҳиммат, меҳрибон маъноларида келади. Исмнинг Мирфайёз деган шакли ҳам бор.

Фарзиддин — *арабча*; динни фарз деб билувчи деган маънода тушунилади.

Фарид — *арабча*; якка, ёлғиз, ягона; тенгсиз, бебаҳо маъноларига эга ёки пардали бўлиб туфилган болага бериладиган исм.

Фармон — *арабча*; буйруқ, амр маъноларини англатиб, Аллоҳнинг иродаси деб шарҳланади.

Фаррух — *арабча*; бахтли, бахтиёр демақдир.

Фаттоҳ — *арабча*; раҳмат хазиналарини очувчи, мушкул ишларни ҳал қилувчи, ғолиб, музаффар деган маъноларда ишлатилади.

Фатҳ — *арабча*; диннинг ғолиблиги, устунлиги дегани. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Фатҳиддин, Фатҳулло.

Фахри — *арабча*; ғурур, ифтихор маъноларини беради. Исмнинг Фахир, Фахриддин, Фахрижон, Фахриислом деган шакллари учрайди.

Фикрат — *арабча*; идрокли, ақлли маъноларини англатади.

Фирдавс — *форсча*; саккизинчи жаннатнинг номи бўлиб, Аллоҳ таоло Аршининг остида жойлашган. Боғ, кўкаламзор деган маъноларга эга.

Фируз — *форсча*; қимматбаҳо маъдан тош номи.

Фитрат — *арабча*; айнан туғма табиат; ақлу фаросатли, доно маъноларини билдиради.

Фозил — *арабча*; билимдон, доно, донишманд деган маъноларни англатади.

Фотиҳ — *арабча*; енгилмас, музаффар, голиб маъноларида тушунилади. Исмнинг Фотиҳали, Фотиҳкамол деган шакллари бор.

Фуад — *арабча*; дил, қалб; ақл, фаросат маъноларида келади.

Фузаил — *арабча*; одобли, яхши хислатли; инсофли, адолатли; юксак, устун турувчи деган маъноларга эга. Исмнинг Фузайлиддин деган шакли ҳам бор.

Фузул — *форсча*; айнан сергап дегани. Истилоҳий маънода нотиқ; кўп нарсани талаб қилувчи деб шарҳланиши мумкин.

Фазилат — *арабча*; яхши хислатларга, чиройли хулқ-атворга эга бўлсин, деган ниятда бериладиган исм. Исмнинг Фазолат деган шакли ҳам бор.

Фарангиз — *форсча*; нур сочувчи, зиё таратувчи, зиёли маъноларини билдиради.

Фарзихон — *арабча-ўзбекча*; қонун-қоидаларга, расм-русумлар ва анъаналарга амал қилувчи маънолари англашилади. Исмнинг Фарзия деган шакли ҳам учрайди.

Фарида — *арабча*; эҳтимол, пардали бўлиб туғилган чақалоқларга шундай исм қўйилса керак. Исмнинг бошқа маънолари қуйидагилар: якка, ягона, тенгсиз, беназир, бебаҳо; нодир, ноёб; марварид.

Фароғат — *арабча*; ўзбек оилаларида кенг тарқалган исмлардан бири. Ҳаёти роҳат-фароғатда ўтсин, деган яхши ният билан бериладиган исм.

Фатила — *арабча*; сочи жингалак бўлиб туғилган қизларга шундай исм берилади. зи шамчиरोқ дегани, яъни хонадонга нур берувчи шуъла маъносида қўлланилади.

Феруза — *форсча*; ғолиб, шавкатли, хушбахт маъноларини ифодалайди. Агар исм Фируза шаклида ёзилса, у ҳолда кўкимтир тош, мажозий маънода осмон бўлади.

Фозила — *арабча*; билимдон, ақлли, олима маъноларига эга.

Фотима — *арабча*; айнан кўкракдан ажратилган демақдир. Исмнинг истилоҳий маъносини мустақил, эҳтиёжсиз деб талқин қилиш мумкин. Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг кенжа қизлари ҳам Фотима деб аталган.

Х

Хайём — *арабча*; чодир тикувчи, чодир ясовчи уста маъносини англатади. Эҳтимол, Умар Хайём номига нисбат берилгандир.

Халил — *арабча*; дўст, суюкли деган маъноларга эга.

Хаспўлат — *арабча-форсча*; аъло навли пўлат дегани.

Хидир — *арабча*; асли Хизр ёки Хизир, яшил дегани. Истилоҳий маънода абадий тирик, барҳаёт, ривоятга кўра, абадий ҳаёт сувини ичган афсонавий пайгамбар.

Хислат — *арабча*; яхши фазилатли, хосиятли маъноларида келади.

Хисрав — *арабча*; машҳур, донгдор, номдор; ҳукмрон, подшоҳ маъноларини беради.

Холид — *арабча*; абадий яшайдиган; умри узок маъноларига эга.

Холис — *арабча*; самимий, беғараз, соф кўнгил деган маъноларни билдиради.

Холиқ — *арабча*; бунёдкор, ижодкор деган маъноларни англатади. Аллоҳ таолонинг гўзал исм-сифатларидан бири. Исмнинг ўзини қўйиш маъқул эмас. Исмнинг қуйидаги шакллари ҳам бор: Абдухолиқ, Холиқберди, Холиқназар, Холиқнур, Холиқниёз, Холиқул.

Хуррам — *форсча*; шод, шодмон, хурсанд, хушқайфият демақдир.

Хурсанд — *форсча*; шод, бахтиёр дегани.

Хуршид — *форсча*; қуёшни ифодалайди.

Хушбахт — *форсча*; саодатманд маъносини беради.

Хўжа — *форсча*; соҳиб, жаноб маъноларига эга. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Хўжаакбар, Хўжааҳрор, Хўжаали, Хўжабек, Хўжазода, Хўжам, Хўжамурод, Хўжамбек, Хўжакалон ва ҳоказо.

Хазина — *арабча*; оиламиз, хонадонимиз бойлиги деган маънода бериладиган исм.

Хайри — *арабча*; яхшилик қилувчи, саховатли маънолари англашилади. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Хайригул, Хайринисо, Хайринур, Хайрия, Хайрижамол, Хайрижон, Хайрикамол, Хайрулбанот.

Хонбека — *ўзбекча*; аслзодалар хонадонидан; хон қизи маъноларини ифодалайди. Исмнинг Хонбиби, Хонгул, Хонзода, Хоним, Хонимқиз, Хонпошша каби шакллари бор.

Хосият — *арабча*; агар чақалоқ туғилмасдан олдин онаси ҳомиладорлик пайтида отанинг иши юришиб кетиб, унга омад кулиб боққан бўлса, туғилган чақалоққа шундай исм берилиши мумкин.

Хумор — *арабча*; қиз туғилишини орзу қилган ёки фарзандга муштоқ бўлган oilаларда чақалоққа шундай исм берилса керак.

Хуршида — *форсча*; офтобмонанд демакдир.

Хушандом — *форсча*; хушқомат қиз. «Хуш» билан қуйидаги исмлар бошланади: Хушнида, Хушнора, Хушрўй, Хушхон...

Ч

Чаман — *ўзбекча*; фарқ очилган гулларга айтилади.

Чингиз — *мўғулча*; буюк, қудратли маъноларини беради.

Чори — *форсча*; оиладаги тўртинчи фарзандга қўйилган ёки чориёрларга нисбат берилган исм.

Чўлпон — *ўзбекча*; тонг юлдузи, ёруғ юлдуз маъноларига эга. Исмнинг Чўлпонбиби, Чўлпонбу, Чўлпонной, Чўлпонхон каби шакллари ҳам бор. Венера юлдузини ўзбек тилида чўлпон деб ҳам атайдилар.

Ш

Шавкат — *арабча*; шарафли, шонли, кучли демакдир.

Шавқиддин — *арабча*; дин завқи, дин бахш этакдиган завқ маънолари бор.

Шайх — *арабча*; аслида қари, кекса, оқсоқол маъноларини беради. Истилоҳий маънода устоз дегани. Исмнинг Шайхзода, Шайхиддин, Шайхим, Шайхислом, Шайхмуҳаммад каби шакллари бор.

Шамси — *арабча*; қуёш бўлиб, қуйидаги шаклларга эга: Шамсиддин, Шамсий, Шамсинур, Шамсимулк...

Шамшод — *форсча*; дарахт номи. Бу дарахт доим ям-яшил бўлиб, қадди расо бўлади.

Шараф — *арабча*; ор, номус, обрў, ифтихор, фахр маъноларига эга. Исмнинг Шарафиддин, Шарафулло деган шакллари бор.

Шариф — *арабча*; муқаддас, азиз демақдир.

Шаҳбоз — *форсча*; шунқор, лочин маъноларини билдиради.

Шаҳоб — *арабча*; нурли юлдуз дегани. Исмнинг Шаҳобиддин, Шаҳобмирза каби шакллари бор.

Шер — *форсча*; шердек қудратли, жасур, сўзидан қайтмас бўлсин, деган ниятда берилган исм. Исмнинг қуйидаги шакллари бор: Шерали, Шердил, Шерзод, Шерхон, Шерқўзи, Шерғози, Шерқобил, Шерҳад...

Шижоат — *арабча*; ғайрат, жасур маъноларида келади. Исмнинг Шижоатали, Шижоатдин сингари шакллари ҳам бор.

Шо — *форсча*; аслида шоҳ, ҳукмдор. Исмнинг шакллари: Шоаббос, Шоафзал, Шодил, Шоёқуб, Шожалил, Шожаҳон, Шоислом, Шокарим, Шомабат (Шомуҳаммад), Шомансур, Шомирза, Шомурод, Шонур, Шорасул, Шосувор, Шосултон, Шоҳбек...

Шокир — *арабча*; фарзанд берганига Аллоҳга шукрона маъносида берилган исм.

Шомил — *арабча-қадимий яҳудийча*; асли яҳудийча Шамуэл исмидан олинган. Маъноси «Худо

эшитди»дир. Араб тилида кенг ёйилган, етук, комил маъноларига эга.

Шуайб — арабча; шох, бутоқни билдиради. Истилоҳий маънода тўғри йўлга бошловчи дегани. Мусо алайҳиссаломнинг қайнотаси Шуайб пайғамбарнинг номи.

Шукур — арабча; Худодан миннатдорлик маъносида қўйиладиган исм.

Шухрат — арабча; довруғ, машҳурлик; шон-шавкат маъноларига эга.

Шабнам — форсча; гулга, дарахт баргларида қўнган шабнам ғоятда мусаффо, тиниқ бўлади. Пок, покдомон бўлсин, деган яхши ниятда бериладиган исм.

Шакар — форсча; суюкли қиз демақдир.

Шамсибону — арабча-форсча; қуёшдек нурли маъносини беради. Яна Шамсигул, Шамсинисо, Шамсия, Шамсинур каби шакллари ҳам учрайди.

Шамшод — форсча; шамшод дарахти номи, у ҳамиша яшнаб, тик ўсади. Шунга нисбат берилган исм. Исмнинг Шамшодой деган шакли ҳам бор.

Шарифа — арабча; илоҳий, муқаддас, азиз, эъзозли; шарафланган маънолари тушунилади.

Шарофат — арабча; шарафли, азиз, қадрли, сара, мақбул деган маъноларга эга.

Шаҳина — форсча; мард, жасур маъноларини ифодалайди.

Шахло — арабча; агар чақалоқ кўзлари катта-катта бўлса, унга шундай исм берилади.

Шаҳноз — форсча; бу исм ўзбек оилаларида кенг тарқалган. Аксарият қизлар шу ном билан аталади. Исмнинг луғавий маъноларини текшириб кўрамиз. «Шаҳ» — шоҳ, подшоҳ, ҳукмдордир. «Ноз» сўзининг қуйидаги маънолари бор: аҳволи яхши, димоғи чоғ; ифтихор, фахр; фаровонлик (нозу неъмат), истигно (маъшуқанинг ошиққа озор бериши); ишва, карашма; такаббур, кибр, мағрур. Исм қайси маънода қўллангани исм берувчиларга ҳавола. Исмнинг Шаҳноза деган шакли ҳам бор.

Шаҳодат — арабча; гувоҳлик берувчи демақдир.

Шаҳризод — форсча; яъни, шаҳарлик дегани. Агар исмнинг арабча муқобилини олиб қарасак, у ҳолда Ойзод, Ойзода бўлади. Исмнинг Шаҳризода деган шакли ҳам бор.

Ширин — форсча; ширин қиз бўлсин, сўзлари ширин бўлсин, деган маънода қўйиладиган исм бўлса керак.

Шоира — арабча; шеър ёзувчи дегани. Гарчи бу исмда ният яхши бўлса ҳам, гўдакнинг келажаги ҳақида сохта башорат берилган.

Шукрия — *арабча*; «фарзандталаблигимиз ижобат бўлганига шукр» маъносида берилган исм.

Э

Элдор — *ўзбекча-форсча*; қабила, элат бошлиғи; ҳукмдор дегани.

Эмин — *арабча*; «амин» сўзининг бошқача талаффузи, тинч, осойишта деган маъноларни беради.

Эҳсон — *арабча*; тухфа, совға; лутф, илтифот маъноларига эга.

Элёра — *ўзбекча-форсча*; эл билан бирга бўлсин, деган маънода бериладиган исм.

Элзода — *ўзбекча-форсча*; улғайиб, эл фарзанди бўлсин, деган маънода қўйиладиган исм.

Элнора — *ўзбекча-форсча*; нор каби элнинг юкини кўтарсин, оғирини енгил қилсин, деган маънода бериладиган исм.

Эркагул — *ўзбекча-форсча*; эрка, тантиқ; қувноқ маъноларида қўйиладиган исм. Исмнинг Эркаой, Эркаойим, Эркажон, Эркасулув каби шакллари ҳам учрайди.

Ю

Юнус — *қадимий яҳудийча*; иона, ионис сўзларидан олинган, қаптар дегани. Юнус пайғамбарнинг номи.

Юсуф — қадимий яҳудийча; Иосиф исмининг арабча шакли, ўсган, кўпайган маъноларига эга. Ҳуснда тенгсиз бўлган Юсуф пайғамбарнинг исми. Шарқ адабиётида юксак ахлоқ, гўзаллик тимсоли.

Юлдуз — ўзбекча; юлдуздек порлоқ ва иқболи баланд бўлсин, деган ниятда берилган исм.

Я

Яҳё — яҳудийча; мурувватли, очиққўл; хушхулқ маъноларини беради. Яҳё пайғамбарнинг исми, у зот насронийларга элчи қилиб юборилган. Исо пайғамбар замонида яшаган.

Яйра — ўзбекча; эркин, ҳур яшасин, деган ниятда бериладиган исм.

Ў

Ўрхон — ўзбекча; улғайиш, ўсиш маъноларига эга.

Ўғлон — мўғулча; ботир, мард, шаҳзода деган маъноларда келади.

Ўзбекбиби — ўзбекча-ҳиндча; миллатга нисбатан берилган исм. Бинобарин, ўз миллатининг қизи бўлсин, деган ниятда қўйилган бўлса керак. Исмининг Ўзбекой, Ўзбекойим деган шакллари бор.

Ўлмас — ўзбекча; болалари турмаган оилаларда шундай исм берилади ёки чақалоқ нимжон туғилса ҳам, шундай аташ одати бор.

Ўфилбиби — *ўзбекча-ҳиндча*; ўфил кутган ва ўфилга зор оилаларда бериладиган исм.

Қ

Қайюм — *арабча*; абадий мавжуд дегани. Исмнинг Абдуқайюм шакли тўғри. Чунки Аллоҳ таоло Қайюм сифатига эга.

Қамар — *арабча*; ой демақдир. Исмнинг Қамариддин, Қамарали, Қамарбой деган шакллари бор.

Қамбар — *арабча*; тўрғай. Бу қуш беозор ва ақлли бўлиб, тўда жуда аҳил бўлади. Эҳтимол, шуниятда болага қўйилар.

Қаҳрамон — *форсча*; қайрағоч дегани. Бу дарахт жуда қаттиқ бўлади. Мустаҳкам бўлсин, деган маънода шу исм берилар. Яна ботир, жасоратли дегани ҳамдир.

Қобил — *арабча*; истеъдодли; кучли; тарбия кўрган маъноларига эга.

Қосим — *арабча*; тақсимловчи дегани.

Қуддус — *арабча*; пок, бегуноҳ, азиз маъноларига эга.

Қудрат — *арабча*; қувватли, кучли, қодир демақдир.

Қурбон — *арабча*; қурбон ойида (зулҳижжада), қурбон ҳайити кунида туғилган бола исми.

Қутбиддин — *арабча*; диннинг қутби, маркази; диннинг асоси, таянчи демақдир.

Қумри — арабча; чиройли сайрадиган қуш номи, бу қуш беозорлиги билан ҳам танилган

Қутбиянiso — арабча; «қутб» сўзидан олинган. Бу исмни жозибадор деб талқин қилиш ҳам мумкин.

Ғ

Ғайрат — арабча; меҳнатсевар деб изоҳлаш мумкин.

Ғани — арабча; бой-бадавлат демақдир.

Ғафур — арабча; гуноҳларни кечирувчи, раҳмли, марҳаматли, мағфиратли маъноларини беради. Бу ном Аллоҳнинг гўзал сифатларидан бири.

Ғиёс — арабча; фарёд, овоза, куч, таянч дегани.

Ғойиб — арабча; кўринмайдиган, яширин, махфий.

Ғолиб — арабча; енгилмас, музаффар маъноларини беради.

Ғулом — арабча; қул ва фарзанд маъноларини англатади.

Ҳ

Ҳабиб — арабча; суюкли, қадрдон дўст демақдир.

Ҳаёт — арабча; тириклик; соғлик; омонлик.

Ҳайдар — арабча; арслон; жасур, қудратли маънолари бўлиб, ҳазрат Алининг лақаби ҳам эди.

Ҳайит — *арабча*; ҳайит куни туғилган болага шу исм берилган.

Ҳаким — *арабча*; билимдон, ақлли, доно, донишманд.

Ҳалим — *арабча*; мулойим, меҳрибон дегани.

Ҳамдам — *форсча*; дўст, ўртоқ маъноларини беради.

Ҳамза — *арабча*; ўткир, аччиқ, куйдирувчи, ёндирувчи, чироқ маъноларини англатиб, доривор ўсимлик номи ҳамдир.

Ҳамид — *арабча*; мақтовчи, мадҳ этувчи демакдир. Яна иссиқ, қайноқ деган маъноларни ҳам билдиради.

Ҳасан — *арабча*; яхши; чиройли; эзгулик; фасохат.

Ҳафиз — *арабча*; ҳимоячи, қўриқловчи, ўз паноҳида асровчи. Аллоҳнинг гўзал исм-сифатларидан бири.

Ҳикмат — *арабча*; донолик, донишмандлик; мўъжиза. Танасида бир белгиси бор болага қўйилган.

Ҳабиба — *арабча*; дўст, суюкли, эътиборли қиз.

Ҳаво — *қадимий яҳудийча*; ҳаётбахш, ҳаёт булоғи.

Ҳадя — *арабча*; кўп илтижолардан сўнг Аллоҳ томонидан берилган қизга шу исм қўйилган.

Ҳакима — *арабча*; доно ва ақлли бўлсин, деган ниятда бериладиган исм.

Ҳалима — *арабча*; мулойим, меҳрибон. Муҳаммад (с.а.в.)ни эмизган аёлнинг исми шундай бўлган.

Ҳанифа — *арабча*; тўғри йўлда бўлувчи, тақводор.

Ҳафиза — *арабча*; ҳимоя қилувчи, қўриқловчи.

Ҳодиса — *арабча*; фақат ўғил туғилиб, қиз бўлмаган оилада қиз туғилса, шундай исм берилади.

Ҳожар — *қадимий яҳудийча*; мустаҳкам, иродали. Иброҳим пайғамбарнинг аёли, Исмоилнинг онаси.

Ҳосила — *арабча*; ота-онанинг фарзанди ҳам ҳосил ҳисобланади. Исмнинг Ҳосилой деган шакли ҳам бор.

Ҳулкар — *ўзбекча*; етти қароқчи туркумидаги Сурайё юлдузи номи.

Ҳуснибону — *арабча-форсча*; ҳусн эгаси дегани. Исмнинг Ҳуснида, Ҳусния, Ҳуснора, Ҳуснобод каби шакллари бор.

2000с

Адабий-маърифий нашр

ИСМЛАР МАЪНОСИ

(Сараланган)

Тўлаб, нашрга тайёрловчи:

Зухра Ҳамдамова

Муҳаррир:

Адиба Ҳамро қизи

Техник муҳаррир:

Зухра Ҳамдамова

Мусахҳиҳ:

Алишер Рўзиматов

Нашр. лиц. АИ № 104, 15.07.2008 йил.

Босишга 20.02.2013 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108^{1/32}.

Офсет босма. BaltikaUz гарнитураси. Босма табоғи: 5,0.

Адади: 1000. Буюртма № 03

Баҳоси келишилган нарҳда.

«MERIYUS» хусусий матбаа-нашриёт корхонасида
нашрга тайёрланди.

Манзил: ген. Узоқов кўчаси, 2-А уй

«SIRIUS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 4-уй.